

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ
ТЎПЛАМИ

31-сон
(843)
2018 йил
6 август

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами беш бўлимдан иборат:

биринчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;

иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;

учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари эълон қилинади;

тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;

бешинчи бўлимда вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.

МУНДАРИЖА

Биринчи бўлим

639. «Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 30 июлдаги ЎРҚ–489-сон Қонуни

Иккинчи бўлим

640. «Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ–5495-сон Фармони

641. «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги ПҚ–3573-сонли қарори)» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПФ–5496-сон Фармони

642. «Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 1 августдаги ПҚ–3892-сон қарори
643. «Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3894-сон қарори
644. «Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 августдаги ПҚ–3895-сон қарори

Учинчи бўлим

645. «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалаврият ва магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 28 июлдаги 594-сон қарори
646. «Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига харид қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 июлдаги 596-сон қарори
647. «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 31 июлдаги 605-сон қарори

Бешинчи бўлим

649. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/8-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва кўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-11*)
650. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 7, 18-қ/қ, 109-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва кўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-5*)

651. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 17 июлдаги 40-А-сон «Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3047*)
652. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/5-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-13*)
653. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 176-мх-сон «Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи (*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2529-2*)
- Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида 2018 йил 28 июлдан 3 августгача бўлган маълумот

БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ

639 Экстремизмга қарши курашиш тўғрисида*

Қонунчилик палатаси томонидан
2018 йил 12 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2018 йил 28 июнда
маъқулланган

1-боб. Умумий қоидалар

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

экстремизм — ижтимоий-сиёсий вазиятни беқарорлаштиришга, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳокимиятни зўрлик ишлатиб эгаллашга ва унинг ваколатларини ўзлаштириб олишга, миллий, ирқий, этник ёки диний адоват қўзғатишга қаратилган ҳаракатларнинг ашаддий шакллари ифодаси;

экстремистик фаолият — қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми асосларини зўрлик билан ўзгартиришга, ҳудудий яхлитлиги ва суверенитетини бузишга; ҳокимият ваколатларини эгаллашга ёки ўзлаштиришга; қонунга хилоф қуролли тузилмалар тузишга ёки уларда иштирок этишга; террорчилик фаолиятини амалга оширишга;

* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 31 июлда эълон қилинган.

зўрлик ёки зўрлик ишлатишга ошкора даъват қилиш билан боғлиқ ҳолда миллий, ирқий, этник ёки диний адоват кўзгатишга;

жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига таҳдид солувчи материалларни тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга, шунингдек экстремистик ташкилотларнинг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ёки намойиш этишга;

бирор-бир ижтимоий гуруҳга нисбатан сиёсий, мафкуравий, ирқий, миллий, этник ёки диний адоват ёхуд душманлик сабабли оммавий тартибсизликларни амалга оширишга;

ушбу модданинг тўртинчи — ўнинчи хатбошиларида кўрсатиб ўтилган ҳаракатларни амалга ошириш учун ошкора даъват қилишга қаратилган ҳаракатларни режалаштиришга, ташкил этишга, тайёрлашга ёки содир этишга доир фаолият;

экстремизмни молиялаштириш — экстремистик фаолиятнинг мавжуд бўлишини ва фаолият кўрсатишини, шахсларнинг экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишини ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишини таъминлашга, экстремистик ташкилотларга ёхуд экстремистик фаолиятга кўмаклашаётган ёки бундай фаолиятда иштирок этаётган шахсларга бевосита ёки билвосита ҳар қандай маблағларни, ресурсларни беришга ёхуд йиғишга, бошқа хизматлар кўрсатишга қаратилган фаолият;

экстремист — экстремистик фаолиятни амалга оширишда иштирок этаётган, шунингдек экстремистик фаолиятда иштирок этиш учун хорижга чиқиб кетишни ёхуд Ўзбекистон Республикаси ҳудуди орқали ҳаракатланишни амалга оширган шахс;

экстремистик гуруҳ — олдиндан тил бириктириб экстремистик фаолиятни амалга ошираётган ёки уни содир этишга суиқасд қилаётган икки ёки ундан ортиқ шахс;

экстремистик материал — экстремистик фаолиятни амалга оширишга ошкора даъват қиладиган ёхуд шундай фаолиятни амалга ошириш зарурлигини асослаб берадиган ёки ошкора оқлайдиган, тарқатиш учун мўлжалланган ҳужжат ёки ҳар қандай воситадаги бошқа ахборот;

экстремистик ташкилот — экстремистик фаолиятни амалга оширганлиги туфайли ўзига нисбатан фаолиятини тугатиш ёки тақиқлаш тўғрисида суднинг қонунда назарда тутилган асослар бўйича қонуний кучга кирган қарори қабул қилинган ташкилот.

4-модда. Экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари

Экстремизмга қарши курашишнинг асосий принциплари қуйидагилардан иборат:

қонунийлик;

инсон ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларининг устуворлиги;

ошкоралик;

жавобгарликнинг муқаррарлиги.

5-модда. Экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари

Экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирларни амалга ошириш, шу жумладан аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш, шунингдек унинг юзага келишига имкон берувчи сабаблар ва шарт-шароитларни бартараф этиш;

экстремизм соҳасидаги ҳуқуқбузарликларни ўз вақтида аниқлаш ва уларга чек қўйиш, уларнинг оқибатларини бартараф этиш, шунингдек жавобгарликнинг муқаррарлиги принципини таъминлаш;

экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик.

6-модда. Ўзбекистон Республикаси ҳудудида экстремистик фаолиятни тақиқлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида қуйидагилар тақиқланади:

экстремистик фаолиятнинг ҳар қандай кўринишлари;

юридик шахслар ташкил этилганда уларни экстремистик ташкилотларнинг номи билан адаштириб юбориш даражасида бир хил ёки ўхшаш бўлган белгиларни ўз ичига олган номлардан фойдаланиш.

2-боб. Экстремизмга қарши курашиш чора-тадбирлари

7-модда. Экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар

Экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қуйидагилардан иборат:

аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш;

экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисида расмий огоҳлантириш чиқариш;

юридик шахс томонидан экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритиш;

экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишни тақиқлаш;

экстремизмни молиялаштиришни тақиқлаш;

юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиб туриш;

ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш.

Экстремизмнинг олдини олишга доир чора-тадбирлар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа чора-тадбирларни ҳам ўз ичига олиши мумкин.

8-модда. Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш қуйидаги йўллар билан амалга оширилади:

тушунтириш ишларини олиб бориш;

ҳуқуқий тарбия ва таълимни ташкил этиш;

экстремизмга қарши курашиш масалалари бўйича ўқув-услубий ва илмий адабиётларни ишлаб чиқиш;

маданий анъаналарни, маънавий, ахлоқий ва ватанпарварлик руҳидаги тарбияни мустаҳкамлаш;

илмий-амалий тадбирларни ташкил этиш ва ўтказиш;

экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини ҳисобга олган ҳолда таълим дастурларини такомиллаштириш.

Аҳолининг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш, жамиятда экстремизмга нисбатан муросасизлик муносабатини шакллантириш қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа йўллар билан ҳам амалга оширилиши мумкин.

9-модда. Экстремистик фаолиятни амалга оширишга йўл қўймаслик тўғрисидаги расмий огоҳлантириш

Экстремистик фаолият белгиларини ўз ичига олган, тайёрланаётган ғайриқонуний ҳаракатлар тўғрисида етарлича ва аввалдан тасдиқланган маълумотлар мавжуд бўлган ҳамда жавобгарликка тортиш учун асослар мавжуд бўлмаган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг мансабдор шахси экстремизмнинг юзага келишига йўл қўяётган мансабдор шахсларга ва жисмоний шахсларга бундай фаолиятга йўл қўймаслик тўғрисида ёзма шаклда расмий огоҳлантириш чиқаради, огоҳлантиришда уни чиқаришнинг аниқ асослари кўрсатилади.

Расмий огоҳлантириш эълон қилинган шахс ундан норози бўлган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи тегишли давлат органининг юқори турувчи мансабдор шахсига ёки судга ушбу огоҳлантириш устидан шикоят қилишга ҳақли.

10-модда. Юридик шахс томонидан экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисидаги тақдимнома

Юридик шахс томонидан унинг фаолиятида экстремизм белгилари мавжудлиги тўғрисида далолат берувчи қонун бузилиши содир этилган тақдирда, прокурор ёки экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг бошқа мансабдор шахси мазкур юридик шахсининг мансабдор шахсига кўрсатиб ўтилган қонунбузарликларга йўл қўймаслик тўғрисида тақдимнома киритади ва уларни бартараф этиш учун муддат белгилайди. Агар ушбу қонунбузарликлар белгиланган муддатда бартараф

этилмаса, шунингдек тақдимнома киритилган кундан эътиборан бир йил ичида экстремизм белгилари мавжудлиги ҳақида далолат берувчи янги фактлар аниқланса, прокурорнинг ёки экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органи бошқа мансабдор шахсининг тақдимномасига асосан юридик шахнинг фаолияти олти ойгача бўлган муддатга тўхтатиб турилади ёки Ўзбекистон Республикаси Олий судининг қарори билан тақиқланади.

Экстремистик фаолият амалга оширилишига йўл қўймаслик тўғрисида ўзига тақдимнома киритилган шахс ундан норози бўлган тақдирда, экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи юқори турувчи давлат органига, унинг мансабдор шахсига ёки судга ушбу тақдимнома устидан шикоят қилишга ҳақли.

11-модда. Экстремистик материалларни олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этишни тақиқлаш

Ўзбекистон Республикасининг ҳудудига экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини олиб кириш, тайёрлаш, сақлаш, тарқатиш ва намойиш этиш, шунингдек уларни оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатиш ва намойиш этиш тақиқланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кирилаётган, тайёрланаётган, сақланаётган, тарқатилаётган ва намойиш этилаётган, шунингдек оммавий ахборот воситаларида ёки телекоммуникация тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида тарқатилаётган ва намойиш этилаётган материаллар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда экстремистик материаллар деб топилади.

Экстремистик материаллар, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгилари белгиланган тартибда йўқ қилиниши ёки олиб ташланиши керак. Оммавий ахборот воситаларида ёхуд телекоммуникациялар тармоқларида, шу жумладан Интернет жаҳон ахборот тармоғида жойлаштирилган экстремистик материалларни, экстремистик ташкилотларнинг атрибутлари ва рамзий белгиларини йўқ қилиш ёки олиб ташлаш имкони бўлмаганда улардан фойдаланиш чекланади.

Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг экстремистик материалларни йўқ қилиш, олиб ташлаш ёки улардан фойдаланишни чеклаш тўғрисидаги талабининг телекоммуникация тармоқларига ва Интернет жаҳон ахборот тармоғига кириш бўйича хизматлар тақдим этувчи шахс томонидан бажарилмаганлиги қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавобгарликка сабаб бўлади.

12-модда. Экстремизмни молиялаштиришни тақиқлаш

Ўзбекистон Республикаси ҳудудига экстремизмни молиялаштириш тақиқланади.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга

оширувчи ташкилотлар экстремизмни молиялаштиришга йўл қўймаслик мақсадида пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операциялар назоратини, ички назоратни амалга оширади ҳамда тегишли тарзда текшириш чораларини кўради.

Пул маблағлари ёки бошқа мол-мулк билан боғлиқ операцияларни амалга оширувчи ташкилотлар зудлик билан ва олдиндан хабардор қилмаган ҳолда экстремистик фаолиятга алоқадор шахсларнинг операциясини, бундан юридик ёки жисмоний шахснинг ҳисоб рақамига келиб тушган пул маблағларини ўтказишга доир операциялар мустасно, тўхтатиб туриши ва (ёки) пул маблағларини ёхуд бошқа мол-мулкни музлатиб қўйиши шарт.

Экстремистик фаолиятга алоқадор шахсларнинг операцияларини тўхтатиб туриш, пул маблағларини ёки бошқа мол-мулкни музлатиб қўйиш, шахсларнинг операцияларини тиклаш, музлатиб қўйилган пул маблағларидан ёки бошқа мол-мулқидан фойдаланиш ҳуқуқини тақдим этиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти томонидан манфаатдор вазирликлар, давлат қўмиталари ва идоралар билан келишган ҳолда белгиланади.

13-модда. Юридик шахснинг фаолиятини тўхтатиб туриш

Юридик шахс экстремистик фаолиятга алоқадор бўлган тақдирда, унинг фаолияти экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органининг аризасига кўра суднинг қарори билан тўхтатиб турилади.

Суднинг юридик шахс фаолиятини тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарори устидан белгиланган тартибда шикоят қилиниши мумкин.

Сиёсий партиялар фаолиятини тўхтатиб туриш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Экстремистик фаолиятга алоқадорлиги муносабати билан фаолияти тўхтатиб турилган юридик шахсларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судининг расмий веб-сайтларига жойлаштирилади.

14-модда. Ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш

Ўзбекистон Республикасида ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш суд тартибида амалга оширилади.

Ташкилот, агар унинг таркибий тузилмаларидан ҳеч бўлмаса биттаси (бўлинмаси, филиали ва ваколатхонаси) экстремистик фаолиятни амалга ошираётган бўлса, экстремистик ташкилот деб топилади.

Ташкилотни экстремистик ташкилот деб топиш тўғрисидаги ариза Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий судига берилади.

Қайси ташкилотларга нисбатан суднинг уларни экстремистик ташкилот деб топиш ва Ўзбекистон Республикаси ҳудудида уларнинг фаолиятини тақиқлаш тўғрисидаги қонуний кучга кирган қарори мавжуд бўлса, ўша таш-

килотларнинг рўйхати Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Олий судининг расмий веб-сайтларида эълон қилиниши лозим.

3-боб. Экстремизмга қарши курашиш субъектлари

15-модда. Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари

Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси;

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги;

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси;

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти.

Ўзбекистон Республикаси Давлат хавфсизлик хизмати экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи ва унда иштирок этувчи давлат органлари ҳамда бошқа субъектлар фаолиятини мувофиқлаштиради.

Ушбу моддада кўрсатилган давлат органлари экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни қонун ҳужжатларида берилган ўз ваколатлари доирасида амалга оширади.

16-модда. Экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларда бошқа давлат органларининг, ўзга субъектларнинг иштирок этиши

Ушбу Қонуннинг 15-моддасида кўрсатилмаган давлат органлари, бошқа ташкилотлар ва фуқаролар экстремизмга қарши курашишга доир тадбирларда ўз ваколатлари доирасида ҳамда қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда иштирок этади.

4-боб. Экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлик

17-модда. Жисмоний шахсларнинг экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун қонунга мувофиқ жавобгар бўлади.

Шахс экстремистик фаолиятда иштирок этишни ўз ихтиёри билан рад этган, бу ҳақда тегишли давлат органларига хабар берган ҳамда оғир оқибатлар юзага келишининг ва экстремистларнинг мақсадлари амалга оширилишининг олдини олишга фаол кўмаклашган тақдирда, қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгарликдан озод этилади.

18-модда. Ташкилотларнинг экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлиги

Ташкилотлар экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун тугатилади, уларнинг фаолияти эса тақиқланади.

Ташкилотни тугатиш суднинг қарори асосида амалга оширилади.

Экстремистик ташкилот деб топилган ташкилот тугатилганда унга тегишли мол-мулк мусодара қилинади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

19-модда. Минтақавий, халқаро ёки хорижий ташкилотларнинг экстремистик фаолиятни амалга оширганлик учун жавобгарлиги

Ўзбекистон Республикасидан ташқарида рўйхатга олинган минтақавий, халқаро ёки хорижий ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) Ўзбекистон Республикаси Олий суди томонидан экстремистик ташкилот деб топилган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида мазкур ташкилотнинг (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонасининг) фаолияти тақиқланади ҳамда бу ташкилот (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси) тугатилади, унга (унинг бўлинмасига, филиалига, ваколатхонасига) тегишли бўлган, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган мол-мулк эса мусодара қилинади ҳамда давлат мулкига ўтказилади.

Минтақавий, халқаро ёки хорижий ташкилотнинг (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонасининг) фаолиятини тақиқлаш:

белгиланган тартибда аккредитацияни бекор қилишга;

чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг мазкур ташкилот вакиллари сифатида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлишини тақиқлашга;

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ҳар қандай молия-хўжалик фаолиятини ёки бошқа фаолиятни юритишни тақиқлашга;

оммавий ахборот воситаларида ушбу ташкилот номидан ҳар қандай материалларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида эълон қилишни тақиқлашга;

тақиқланган ташкилотнинг материалларини, шунингдек унинг материалларини ўз ичига олган ахборот маҳсулотини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатишни тақиқлашга;

оммавий тадбирлар ўтказишни, шунингдек уларда тақиқланган ташкилот вакилларининг иштирок этишини тақиқлашга сабаб бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Ўзбекистон Республикаси Олий судининг минтақавий, халқаро ёки хорижий ташкилотни (унинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонасини) экстремистик ташкилот деб топиш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида унинг фаолиятини тақиқлаш, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган бундай ташкилотнинг бўлинмаси, филиали, ваколатхонаси фаолиятини тугатиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини олган кундан эътиборан тегишли чет давлатни бу ҳақда тақиқ сабаблари ва тақиқ билан боғлиқ оқибатларни кўрсатган ҳолда дипломатик каналлар орқали белгиланган тартибда хабардор қилади.

5-боб. Яқунловчи қоидалар**20-модда. Ўзбекистон Республикасининг экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлиги**

Экстремизмга қарши курашиш соҳасидаги халқаро ҳамкорлик Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатлари ва халқаро шартномаларига мувофиқ амалга оширилади.

Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари чет давлатларнинг ваколатли органларига белгиланган тартибда зарур ахборотни тақдим этиш тўғрисида сўровлар юбориш ва уларнинг сўровларига жавоб бериш, шунингдек бошқа ҳамкорликни амалга ошириш ҳуқуқига эга.

21-модда. Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Экстремизмга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.

22-модда. Ушбу Қонуннинг ижросини, етказилишини, моҳияти ва аҳамияти тушунтирилишини таъминлаш

Экстремизмга қарши курашиш бўйича фаолиятни амалга оширувчи давлат органлари ушбу Қонуннинг ижросини, ижрочиларга етказилишини ҳамда моҳияти ва аҳамияти аҳоли ўртасида тушунтирилишини таъминласин.

23-модда. Қонун ҳужжатларини ушбу Қонунга мувофиқлаштириш

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси:
ҳукумат қарорларини ушбу Қонунга мувофиқлаштиради;
давлат бошқаруви органлари ушбу Қонунга зид бўлган ўз норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

24-модда. Ушбу Қонуннинг кучга кириши

Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан уч ой ўтгач кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июль,
ЎРҚ-489-сон

ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

640 Ўзбекистон Республикасида инвестиция муҳитини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида*

Таъкидлаш лозимки, мамлакатда тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этиш учун энг қулай инвестиция муҳитини шакллантириш мақсадида иқтисодиётни либераллаштириш, давлат бошқарувини ислох қилиш, тадбиркорлик субъектлари фаолиятига аралашувни чеклаш, лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини қисқартириш ва соддалаштириш, товарлар (ишлар ва хизматлар)дан эркин фойдаланишни таъминлаш, шунингдек, ҳудудларда зарур инфратузилмани яратиш борасида кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Солиқ юкини камайтириш ва инвесторлар учун солиққа тортиш тизимини соддалаштириш, соғлом рақобат муҳитини қўллаб-қувватлашга қаратилган солиқ сиёсати ва божхона-тариф жиҳатдан тартибга солиш ислохотлари жадал суръатлар билан амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, инвесторлар билан ишлашда, айниқса жойларда, инвесторларнинг ташаббуслари барча даражадаги ҳокимликлар томонидан лозим даражада қўллаб-қувватланмаслиги, бу борада вазирлик ва идоралар фаолияти аниқ мувофиқлаштирилмаганлиги билан боғлиқ бюрократик тўсиқ ва ровлар ҳали ҳам мавжудлиги қулай инвестиция муҳитини шакллантириш бўйича давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончнинг мустаҳкамланишига тўсқинлик қилмоқда.

Мамлакатда инвестиция муҳитини янада яхшилаш, тўғридан-тўғри инвестицияларни жалб этишни рағбатлантириш, инвесторларнинг бу борадаги давлат сиёсатининг изчиллигига бўлган ишончини мустаҳкамлаш ва инвесторлар билан ишлашда давлат тузилмаларининг масъулиятини ошириш мақсадида:

1. 2018 йил 1 августдан шундай тартиб ўрнатилсинки, унга мувофиқ: инсофли фаолият юритган инвестор ва тадбиркорлик субъектига давлат органи (мансабдор шахс) томонидан уларга нисбатан қабул қилинган маъмурий ҳужжатнинг қонуний кучига ишониши сабабли келиб чиққан мулккий зарарнинг ўрни қопланади, агарда ушбу ҳужжатнинг қонуний кучига ишониб мол-мулкдан фойдаланган, битим тузган ёки тақдим этилган афзаллик ва устунликлардан бошқача тарзда фойдаланган ҳамда мазкур ҳужжат кейинчалик ҳақиқий эмас деб топилган ёки бекор қилинган бўлса;

* Ушбу Фармон «Халқ сўзи» газетасида 2018 йил 2 августда эълон қилинган.

давлат органи (мансабдор шахс)нинг маъмурий ҳужжатини бекор қилиш ёки ўзгартириш масаласи, агар у инсофли инвестор ва тадбиркорлик субъектининг қонуний манфаатларига дахлдор бўлса, суд тартибида кўриб чиқилади, унинг сақлаб қолиниши жамоат манфаатларига таҳдид солаётган ҳоллар бундан мустасно.

2. Белгилансинки, 2018 йил 1 сентябрдан:

давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйиш тўғрисида қарор қабул қилишга фақат ер участкаси олиб қўйилиши режалаштирилаётган манфаатдор шахслар билан очиқ муҳокама ўтказилганидан, шунингдек, фойда ва харажатлар баҳоланганидан кейин йўл қўйилади;

ер участкаларини олиб қўйишда жисмоний ва юридик шахсларга тегишли бўлган турар жой ва ишлаб чиқариш бинолари, бошқа иморатлар ва иншоотларнинг бузилишига кўчмас мулкнинг бозор қиймати ва олиб қўйиш сабабли мулкдорга етказилган зарарнинг ўрни тўлиқ қопланганидан кейин рухсат берилади;

жисмоний ва юридик шахсларга давлат органи (мансабдор шахс)нинг ноқонуний маъмурий ҳужжати қабул қилиниши оқибатида етказилган зарар давлат томонидан, биринчи навбатда, тегишли органларнинг бюджетдан ташқари маблағлари ҳисобидан қопланади, кейинчалик айбдор шахсдан регресс тартибида ундириб олинади.

3. Белгилаб қўйилсинки, давлат ва жамоат эҳтиёжлари учун ер участкаларини олиб қўйишга фақат қўйидаги мақсадларда йўл қўйилади:

мудофаа ва давлат хавфсизлиги, муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар эҳтиёжлари, эркин иқтисодий зоналарни ташкил қилиш ва уларнинг фаолият юритиши учун ерларни тақдим этиш;

халқаро шартномалардан келиб чиқадиган мажбуриятларни бажариш;

фойдали қазилмалар конларини аниқлаш ва қазиб чиқариш;

автомобиль ва темир йўллари, аэропортлар, аэродромлар, аэронавигация объектлари ва авиатехника марказлари, темир йўл транспорти объектлари, кўприклар, метрополитенлар, тоннеллар, энергетика тизими объектлари ва электр узатиш тармоқлари, алоқа тармоқлари, космик фаолият объектлари, магистрал қувурлар, муҳандислик-коммуникация тармоқларини қуриш (реконструкция қилиш);

аҳоли пунктлари бош режаларини Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети маблағлари ҳисобидан объектлар қуриш қисмида ижро этиш, шунингдек, қонунлар ва Ўзбекистон Республикаси Президенти қарорларида тўғридан-тўғри назарда тутилган бошқа ҳолларда.

4. 2018 йил 1 октябрдан инвестиция фаолиятини амалга ошириш учун ер участкаларини беришнинг қўйидаги янги механизмлари жорий этилсин:

қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

кўчмас мулк объектларини (меҳмонхоналар, савдо объектлари, маданий-

кўнгилочар мажмуалар, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, таълим ва тиббиёт ташкилотлари, йўл инфратузилмаси ва бошқалар) куриш учун ер участкаларига доимий эгалик қилиш ҳуқуқини аукцион орқали сотиш.

5. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибда туман (шаҳар) ҳокимларига чет эл инвестицияси иштирокидаги корхоналарга қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкасини 50 йилгача муддатга, лекин аризада кўрсатилганидан кам бўлмаган муддатга инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун узоқ муддатли ижарага бериш;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раисига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимларига қонун ҳужжатларида белгиланган ваколатлар доирасида ва тартибда 10 миллион АҚШ долларидан кўп бўлмаган эквивалентда чет эл инвестицияси улуши бўлган инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда чет эл инвесторлари билан инвестиция шартномаларини тузиш;

Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашларига умумий майдони 2000 квадрат метрдан ортик, лекин 5 000 квадрат метрдан кўп бўлмаган, фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини (Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 16 июндаги «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ–3067-сон қарорининг 1 ва 2-иловаларида кўрсатилган объектлар бундан мустасно) инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш учун сотиш тўғрисида қарор қабул қилиш ҳуқуқи берилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондидаги хорижий инвестициялар улушининг энг кам миқдорини 30 фоиздан 15 фоизгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхонанинг иштирокчиси сифатида хорижий юридик шахс қатнашиши шартлиги тўғрисидаги талабни бекор қилиш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналар устав фондининг энг кам миқдорини 600 миллион сўмдан 400 миллион сўмгача камайтириш;

чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналарни давлат рўйхатидан ўтказиш учун давлат божи миқдорини уч бараварга камайтириш;

акциядорлик жамиятлари устав фондининг энг кам миқдорини 400 миллион сўм миқдорида белгилаш;

мева-сабзавот маҳсулотларига экспорт контрактларини «Ўзагроэкспорт» АЖ томонидан эълон қилинган нархлардан паст бўлмаган нархлар бўйича тузиш, шунингдек, мева-сабзавот маҳсулотларини экспорт контрактини тузмасдан, «Ўзагроэкспорт» АЖ расмий веб-сайтида қайд этилган нархлардан

паст бўлмаган нархлар бўйича инвойс асосида божхона расмийлаштирувидан ўтказиш тартибини бекор қилиш ҳақидаги таклифлари маъқуллансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов:

ваколатли органлардан ҳар бирининг ҳуқуқларидан келиб чиққан ҳолда уларнинг чет эл инвестицияларини жалб этиш ва ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича ўзаро мувофиқлаштирилган фаолиятини таъминласин;

вазирликлар, идоралар, хўжалик бирлашмалари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, савдо-иқтисодий масалалар бўйича маслаҳатчиларнинг ушбу соҳадаги асосий вазифаларнинг бажарилишини баҳолаган ҳолда давлат инвестиция сиёсатининг амалга оширилиши тўғрисидаги ойлик ҳисоботларини эшитишларни, шу жумладан ахборот-коммуникация технологиялари имкониятларини қўллаган ҳолда ўтказсин;

хорижий инвесторларни мамлакатимизнинг иқтисодий салоҳияти, бизнес юритиш учун яратилган қулай шароитлар тўғрисида кенг хабардор қилиш мақсадида халқаро конференциялар, семинарлар, йирик инвестиция форумларини ташкил этиш орқали чет эл инвестицияларини жалб этишни кенгайтирсин.

8. Қуйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси комплекслари, вазирликлар, идоралар ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари зиммасига — инвестиция муҳитини ривожлантириш бўйича қабул қилинган қарорларнинг самарали амалга оширилиши, хорижий инвесторларга зарур кўмак кўрсатилиши, инвестиция буюртманомалари сифатли ва тезкор кўриб чиқилиши, инвестиция буюртманомалари бўйича келишиш тартиб-таомиллари ўтказилиши, шунингдек, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш ва инвестиция фаолияти соҳасидаги муаммоли масалаларнинг ҳал қилиниши;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — хорижий инвесторларга барча зарур кўмак кўрсатилиши, инвесторлар билан тўғридан-тўғри ва очиқ мулоқотни ўрнатиш орқали инвестиция буюртманомаларининг тезкор кўриб чиқилиши, инвесторларнинг тизимли равишда шахсан қабул қилиниши, тегишли инфратузилманинг таъминланиши, ер участкалари ажратилиши, рухсат берувчи ҳужжатлар берилиши, инвестиция буюртманомалари бўйича келишиш тартиб-таомилларининг ўз вақтида амалга оширилиши, инвестиция лойиҳаларини амалга оширишнинг тизимли мониторинг қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раҳбари зиммасига — фаолият юритмаётган ёки қурилиши тугалланмаган объектлар, самарасиз фойдаланилаётган ишлаб чиқариш бинолари ҳамда ер майдонларининг уларда тўғридан-тўғри инвестициялар иштирокидаги инвестиция лойиҳаларини жойлаштириш учун пухта хатловдан ўтказилиши;

«Ўзбекэнерго» АЖ раиси, «Ўзтрансгаз» АЖ раиси, Ўзбекистон Республикаси уй-жой коммунал хизмат кўрсатиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари зиммасига — инвесторларнинг ишлаб чиқариш объектлари қурилиши ва уларнинг ташқи инфратузилмага уланиши, инвесторларнинг ишлаб чиқариш эҳтиёжларига мувофиқ электр энергияси, табиий газ, сув билан узлуксиз ҳамда ташқи канализация тармоқлари билан таъминланиши;

Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси зиммасига — инвесторларга республика ҳудудларида инвестиция лойиҳаларини амалга оширишда маслаҳат кўмагининг кўрсатилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

9. Инвестиция киритиш вақтида Ўзбекистон Республикасида ўрнатилган энг кам ойлик иш ҳақининг 8 500 бараваридан кам бўлмаган миқдорда ҳўжалик жамиятларининг акциялари ва улушларини сотиб олиш, шунингдек, хорижий корхона ташкил этиш шаклида Ўзбекистон Республикасига инвестиция киритган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахсларга кўп марталик уч йиллик виза олиш ва унинг амал қилиш муддатини Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан чиқиш заруратисиз чекланмаган миқдорда узайтириш ҳуқуқи берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги мамлакат иқтисодиётининг устувор соҳаларига катта миқдорда инвестиция киритган чет эл фуқароларига «Фахрий фуқаро» мақомини бериш тартибини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

10. Мамлакатнинг инвестициявий жозибадорлигини ошириш бўйича чора-тадбирлар дастури иловага* мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари зиммасига Чора-тадбирлар дастурида назарда тутилган тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин.

11. Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги билан биргаликда 2019 йил 1 январга қадар муддатда инвестиция киритиш учун энг қулай шароитлар яратишга қаратилган, инвестиция фаолияти соҳасидаги унификация қилинган қонун ҳужжати лойиҳасини ишлаб чиқсин ва белгиланган тартибда киритсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, бўйсунувидан қатъи назар, барча даражадаги давлат бошқаруви органлари ва бошқа ташкилотлар томонидан инвесторларнинг ҳуқуқ ва кафолатларини ҳимоя қилиш бўйича амалдаги қонун ҳужжатларига сўзсиз риоя этилиши устидан қатъий назорат ўрнатсин ҳамда қонун ҳужжатлари бузилишининг олдини олиш ва айбдор мансабдор шахсларни жавобгарликка тортиш юзасидан таъсирчан чоралар кўрсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги икки ой муддатда:

Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси, Иқтисодиёт вазирлиги ҳамда

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда қонун ҳужжатларига ушбу Фармондан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни инвестиция фаолиятини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган ёки уни мураккаблаштираётган норма ва қоидаларни аниқлаш нуқтаи назаридан тўлиқ хатловдан ўтказиб, уларни бартараф этиш чораларини кўрсин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси раиси С.Р. Холмуродов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 август,
ПФ-5495-сон

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ**

641 **Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сонли қарори)***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Виночилик соҳасини ва алкогольли маҳсулотларни реализация қилишни тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 28 февралдаги ПҚ-3573-сонли қаро- рига мувофиқ:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим ҳужжатларига ило- вага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

* Ушбу Фармон «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 ав- густда эълон қилинган.

2. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 август,
ПФ-5496-сон

Ўзбекистон Республикаси
Президентининг 2018 йил 1 августдаги
ПФ-5496-сонли Фармонига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим
ҳужжатларига киритилаётган ўзгартиришлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасида Маъмурий ислохотлар концепциясини тасдиқлаш тўғрисида» 2017 йил 8 сентябрдаги ПФ-5185-сонли Фармони 4-иловасининг «Қишлоқ ва сув хўжалиги, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш ҳамда истеъмол товарлари соҳасида давлат бошқаруви тизимини танқидий ўрганиш ва уни тубдан ислох қилиш юзасидан таклифлар тайёрлаш бўйича 7-ишчи гуруҳ таркиби» бўлимидаги:

а) 10-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«10. лавозими бўйича — «Ўзшаробсаноат» АЖ раиси ўринбосари»;

б) 29-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«29. лавозими бўйича — «Ўзшаробсаноат» АЖ бошқармаси бошлиғи».

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-хунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 25 январдаги ПФ-5313-сонли Фармони 1-иловасининг 23-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«23. лавозими бўйича — «Ўзшаробсаноат» АЖ бошқаруви раиси».

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Алкоголли маҳсулотларни ишлаб чиқариш ва сотиш самарадорлигини оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2006 йил 7 ноябрдаги ПҚ-505-сонли қарори 1-бандининг учинчи хатбошидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мева-сабзавот, картошка ва полиз маҳсулотларини харид қилиш ва улардан фойдаланиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 12 апрелдаги ПҚ-2520-сонли қарори 1-бандининг учинчи хатбоши ва 3-бандининг иккинчи хатбошидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Халқаро мева-сабзавот ярмаркасини ташкил этиш ва уни ҳар йили ўтказиб туриш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 1 июндаги ПҚ–2539-сонли қарорида:

а) 8-бандидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 1-иловасидаги ўн тўртинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«лавозими бўйича — «Ўзшаробсаноат» АЖ раиси».

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Давлат мулки объектларини сотиш тартиб-таомилларини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 16 июндаги ПҚ–3067-сонли қарорида:

а) 1-иловасининг 48-бандидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-иловасидаги «Давлат мулки объектининг номи» графасининг «Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» кичик графаси қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

««Ўзшаробсаноат» АЖ».

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 16 августдаги ПҚ–3219-сонли қарори 3-бандининг учинчи хатбошидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» ХК» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзвиносаноат-холдинг» акциядорлик жамиятининг фаолиятини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 23 августдаги ПҚ–3239-сонли қарорида:

а) номланишидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» сўзлари билан алмаштирилсин:

б) 2-бандида:

биринчи хатбошидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

ўн биринчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

««Ўзшаробсаноат» АЖ» бошқаруви раиси О.С. Мустафоев зиммасига ««Ўзшаробсаноат» АЖ»га юклатилган вазифалар ва фаолият йўналишлари сифатли ҳамда тўлиқ ҳажмда амалга оширилишини таъминлаш юзасидан шахсий жавобгарлик юклансин»;

в) 3-бандининг иккинчи ва учинчи хатбошиларидаги, 5-бандидаги, шунингдек, 3- ва 4-иловаларнинг номланишидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 7-бандининг иккинчи хатбошидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» (Ш.Н. Рахимов)» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» (О.С. Мустафоев)» сўзлари билан алмаштирилсин;

д) 1- ва 2-иловалар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

е) 3- ва 4-иловалардаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

ж) 5-иловадаги:

«Масъул ижрочилар» графасининг 1.1-, 2.1 — 2.3-, 3.2-, 3.3-, 4.1 — 4.3,

5.1 — 5.5-кичик бандларидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин;

«Тадбирлар номи» графасининг 3.1-кичик бандидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ва ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖни Тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси» сўзлари тегишли равишда ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари ҳамда ««Ўзшаробсаноат» АЖни тиклаш ва ривожлантириш жамғармаси» сўзлари билан алмаштирилсин;

1-, 3-, 4- ва 5-иловаларнинг номланишидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги хузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 16 октябрдаги ПҚ–3325-сонли қарори 1-иловасининг учинчи бандидаги ««Ўзвиносаноат-холдинг» АЖ» сўзлари ««Ўзшаробсаноат» АЖ» сўзлари билан алмаштирилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

642 Маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликни ривожлантириш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида*

Сўнгги йилларда маданият ва санъат соҳасини тубдан ислоҳ қилиш ва такомиллаштириш, маданият ва санъат муассасаларини давлат томонидан қўллаб-қувватлашнинг самарали тизимини яратиш мақсадида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Шу билан бирга, ўтказилган таҳлиллар шуни кўрсатмоқдаки, маданият ва санъат муассасалари биноларини қуриш ва таъмирлаш, уларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, ҳудудларини ободонлаштириш, аҳолининг маданий эҳтиёжларини қондириш борасидаги ишлар талаб даражасида эмас.

Маданият ва санъат соҳасини янада ривожлантириш, ушбу соҳадаги муассасалар тармоғини кенгайтириш ва уларнинг моддий-техник аҳволини мустаҳкамлаш, аҳолига сифатли хизматлар кўрсатишни ташкил этиш ҳамда давлат-хусусий шериклик учун қулай шарт-шароитлар яратиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 августда эълон қилинган.

Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларининг маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шерикликнинг қуйидаги шакллари жорий этиш тўғрисидаги таклифларига розилик берилсин:

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш;

мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарт билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш;

бўш турган давлат мулк объектларини, шу жумладан фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «ноль» харид қийматида сотиш;

давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисмини) ижара ҳақининг «ноль» ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш.

Белгилансинки, маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган бошқа шаклларда ҳам амалга оширилиши мумкин.

2. Давлат-хусусий шериклик шаклига қараб хусусий шерикка қуйидаги инвестиция мажбуриятлари юкланиши мумкинлиги белгилаб қўйилсин:

маданий хизмат кўрсатишда аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож тоифасига имтиёзлар бериш;

маданият ва санъат муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукамал таъмирлаш ва жиҳозлаш борасидаги ишларни ўз вақтида ва сифатли амалга ошириш;

давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимда назарда тутиладиган бошқа мажбуриятларни бажариш.

3. Белгилансинки, давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим:

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги томонидан ўтказиладиган танлов натижалари бўйича тузилади. Бунда ушбу қарорнинг 1-банди еттинчи ва саккизинчи хатбошиларида назарда тутилган ҳолларда танлов ўтказилмайди;

Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ёки «Ўзбеккино» Миллий агентлиги тегишли равишда ўз тизимларида давлат томонидан хусусий шерик билан битим тузади ва битим шартларини хусусий шерик қандай бажараётгани бўйича мониторинг олиб боради.

4. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Инвестициялар

бўйича давлат қўмитаси, Хусусийлаштирилган корхоналарга қўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитасининг:

маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ривожлантириш ва давлат-хусусий шерикликни рағбатлантириш тадбирларини молиялаштиришга йўналтириладиган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасини ривожлантириш давлат дастурларини молиялаштириш жамғармасида очиладиган алоҳида ҳисобварақда (кейинги ўринларда махсус ҳисобварақ деб юритилади) жамлаш тўғрисидаги;

маданият ва санъат нодавлат муассасалари харажатларининг бир қисмини қоплаш учун давлат-хусусий шериклик шартлари асосида ташкил қилинган шундай муассасаларга давлат маданият ва санъат муассасасининг йиллик даромадлари ва харажатларидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетидан субсидиялар ажратиш тартибини жорий этиш тўғрисидаги таклифлари қабул қилинсин.

5. Қўйидагилар махсус ҳисобварақни шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан ажратиладиган эквиваленти 100,0 миллион АҚШ доллари миқдоридаги кредитлар;

давлат маданият ва санъат муассасалари негизида маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик асосида тижорат банкларидан ажратиладиган кредитлар бўйича фоиз тўловларининг 7 фоиздан ошган қисмини қоплаб бериш учун ҳар йили Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг мақсадли маблағлари;

халқаро молия институтлари, хорижий ҳукумат ташкилотлари ва бошқа донорларнинг хайриялари, кредитлари (қарзлари) ва грантлари;

махсус ҳисобварақнинг вақтинча бўш маблағларини жойлаштиришдан олинадиган даромадлар;

қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

6. Белгилаб қўйилсинки:

махсус ҳисобварақдаги маблағлар туман ва чекка қишлоқ жойлардаги театрлар, кинотеатрлар, маданият ва аҳоли дам олиш марказлари, маданият ва истирохат боғлари, концерт заллари, ҳайвонот боғлари ва бошқа маданий объектлар негизида маданият ва санъат нодавлат муассасаларини ташкил этиш мақсадида давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим объектларини қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлашга фоизсиз асосда имтиёзли кредит бериш учун тижорат банкларига тақдим этилади;

махсус ҳисобварақ маблағларидан имтиёзли кредитлар тижорат банклари томонидан маданият ва санъат соҳасида фаолият юритувчи тадбиркорлик субъектларига 10 йил муддатга, шу жумладан, 3 йиллик имтиёзли давр билан йиллик 7 фоизли ставка бўйича ажратиб берилади.

7. Давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг қўйидаги муддатлари белгилансин:

маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасаларнинг биноларини

қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ер участкалари ажратиш битими — камида 30 йил;

мавжуд давлат маданият ва санъат муассасалари биноларини реконструкция қилиш ва жиҳозлаш, кейинчалик эса уларни оталиққа олиш шарт билан маданият ва санъат йўналишидаги нодавлат муассасалари объектларини қуриш учун бепул асосда ер участкаларини тақдим этиш битими — камида 30 йил;

бўш турган давлат мулки объектларини, жумладан, фаолият кўрсатмаётган давлат маданият ва санъат муассасаларининг биноларини қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда «ноль» харид қийматида сотиш битими — камида 30 йил;

давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган биноларини (ёки уларнинг бир қисмини) ижара ҳақининг «ноль» ставкасида мақсадли фойдаланиш учун хусусий шерикларга бериш битими — 30 йилгача;

концессия асосида қурилиш учун ер участкаси ёки реконструкция қилиш ва жиҳозлаш учун бино ажратиш битими — 15 йилгача;

хусусий шерикнинг мол-мулки негизида ташкил қилинган маданият ва санъат нодавлат муассасаларини моддий-техник, молиявий ва методик таъминлаш битими — камида 10 йил;

оталиқ шаклидаги хайрия фаолиятини олиб бориш битими — камида 1 йил.

Олинган имтиёзли кредит асосида ёки давлат-хусусий шериклик шартларида тадбиркорлик субъектларига топширилган объектларда маданият ва санъат нодавлат муассасаси фаолияти ташкил этилган кундан бошлаб давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар амал қилишининг муддатлари мобайнида уни қайта ихтисослаштириш тақиқланади.

8. Давлат-хусусий шериклик шартларида ташкил этилган маданият ва санъат нодавлат муассасалари:

асосий фаолияти бўйича барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалар тўлашдан;

ўзларининг эҳтиёжлари учун белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган техник воситалар ва бошқа жиҳозлар давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битим тузилган кундан бошлаб 3 йил муддатга божхона тўловлари (божхона расмийлаштируви йиғимларидан ташқари) тўлашдан озод қилинсин.

Белгилансинки, ушбу бандда кўрсатилган солиқ ва божхона имтиёзлари маданият ва санъат соҳасида кўрсатилаётган хизматлардан олинадиган соф тушум улуши умумий реализация ҳажмида ҳисобот (солиқ) даври яқунларига кўра камида 80 фоизни ташкил этадиган маданият ва санъат нодавлат муассасаларига нисбатан қўлланилади.

9. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари:

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Маданият вазирлиги ва «Ўзбеккино» Миллий агентлиги билан биргаликда бир ой муддатда бўш турган давлат мулки объектлари, шунингдек, реконструкция қилиниши ва

мукаммал таъмирланиши лозим бўлган давлат маданият ва санъат муассасаларининг фойдаланилмаётган бино ва иншоотларини хатловдан ўтказиб, уларнинг рўйхатини тузсин;

ҳар йили 1 февралга қадар давлат-хусусий шериклик шартларида маданият ва санъат нодавлат муассасаларининг биноларини қуриш учун бепул асосда доимий фойдаланишга ажратилиши мумкин бўлган ер участкаларини аниқлаб, уларнинг тасдиқланган рўйхатларини Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбекино» Миллий агентлигига тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси билан биргаликда қисқа муддатларда маданият ва санъат нодавлат муассасасини ташкил этиш учун ер участкаси ажратилишини, шунингдек, ер участкасига бўлган ҳуқуқни давлат рўйхатидан ўтказилишини таъминласин;

маданият ва санъат нодавлат муассасаларини қуришда уларни маҳаллий бюджетларнинг маблағлари ҳисобига лойиҳа харажатлари ҳамда барча зарур ташқи муҳандислик-коммуникация инфратузилмаси (электр энергияси, газ таъминоти, сув таъминоти, канализация, автомобиль йўллари ва бошқалар) билан таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда:

маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик тўғрисида низомни тасдиқласин;

маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик асосида бериладиган давлат мулки объектлари рўйхатини тасдиқласин ва унинг ҳар йили янгилаб борилишини таъминласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Маданият вазирлиги, «Ўзбекино» Миллий агентлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда ҳукумат қарори лойиҳасини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин, унда қўйидагилар назарда тутилсин:

махсус ҳисобварақ маблағларидан фойдаланиш тартиби;

давлат-хусусий шериклик шартлари асосида фаолият юритадиган маданият ва санъат муассасаларига Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан субсидиялар ажратиш тартиби.

12. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлигининг марказий аппарати тузилмасида:

3 штат бирлигидан иборат бўлган давлат-хусусий шериклик асосидаги маданият ва санъат муассасалари фаолиятини ташкил этиш бошқармаси;

2 штат бирлигидан иборат бўлган давлат-хусусий шериклик лойиҳалари мониторинги бўлими;

3 штат бирлигидан иборат бўлган ЮНЕСКО билан ишлаш бошқармаси ташкил қилинсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги ва «Ўзбекино» Миллий агентлиги:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда маданият ва санъат соҳасида

давлат-хусусий шериклик асосида амалга оширилган чора-тадбирлар юзасидан мониторинг олиб борилишини таъминласин ҳамда бажарилган ишлар тўғрисида ҳар чоракда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига ахборот тақдим этсин;

Ўзбекистон Республикаси Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда маданият ва санъат соҳасига хорижий инвестицияларни жалб этиш чораларини кўрсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги давлат-хусусий шериклик битимини амалга ошириш доирасида белгиланган тартибда лойиҳа-смета ҳужжатларининг давлат экспертизасидан ўтказилишини таъминласин ҳамда қурилиш-монтаж ишларининг сифатли бажарилиши ва шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан тизимли назорат ўрнатсин.

15. Ўзбекистон Республикаси маданият вазири, «Ўзбеккино» Миллий агентлиги бош директори, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари давлат-хусусий шериклик тўғрисидаги битимлар ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши ҳамда хусусий шериклар томонидан ўз зиммаларига олинган мажбуриятларга риоя қилиниши учун шахсан жавобгар эканликлари белгилаб қўйилсин.

16. Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси мазкур қарорда назарда тутилган имтиёз ва преференциялар, маданият ва санъат соҳасида давлат-хусусий шериклик механизмлари ҳақида тадбиркорлик субъектлари орасида кенг қамровли тушунтириш ишларини амалга оширсин.

17. Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий теле-радиокомпанияси ва бошқа оммавий ахборот воситалари мазкур қарорнинг мазмуни ва аҳамияти кенг ёритилишини ҳамда аҳолига етказилишини ташкил этсин.

18. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги ПҚ-2778-сон қарорига иловага* мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

19. Маданият вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисидаги таклифларни Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

20. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Х.М. Султонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 1 август,
ПҚ-3892-сон

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**643 Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш чоратадбирлари тўғрисида***

Ўтган йилларда мамлакатда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг ягона тизимини яратиш, тиббиётнинг хусусий секторини ривожлантириш, аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш сифатини ошириш ва соғлом авлодни шакллантириш учун қулай шарт-шароитларни таъминлаш борасида кенг кўламли чоратадбирлар амалга оширилди.

Шу билан бирга, ушбу соҳада соғлиқни сақлашни самарали ислоҳ қилишга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар сақланиб қолмоқда. Хусусан:

биринчидан, мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш бўйича узоқ муддатли стратегиянинг мавжуд эмаслиги оқибатида ушбу соҳадаги ислохотлар тўлиқ бўлмаган шаклда ва тизимсиз тарзда амалга оширилмоқда, бу эса аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги ва сифатини ошириш имконини бермаяпти;

иккинчидан, республика соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг хорижий мамлакатларда қўлланилаётган муваффақиятли тажрибаси ва аниқ инновацион моделлари лозим даражада ҳисобга олинмаётганлиги соҳага инвестицияларни жалб этиш ва халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш имконини бермаяпти;

учинчидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, энг аввало, республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизими ташкилотларида фаолият юритаётган ходимларнинг касбий малакасини ошириш ва лозим даражада сақлаш, уларнинг кўникмалари замонавий талабларга мувофиқлиги устидан таъсирчан мониторинг тизими жорий этилмаган;

тўртинчидан, хусусий секторни ривожлантириш учун шарт-шароитларни яхшилаш орқали давлатнинг соғлиқни сақлашга харажатларини мақбуллаштиришга, шунингдек, хусусий тиббиёт ташкилотларини бюджет маблағлари ҳисобидан молиялаштирилаётган бирламчи тиббий ёрдам кўрсатиш тизимига интеграция қилишга етарлича эътибор қаратилмаяпти;

бешинчидан, клиник протоколлар ва тиббий стандартларнинг мукамал эмаслиги, шунингдек, инновацион ишланмалар ва технологиялардан фойдаланиш даражасининг пастлиги аҳолига тиббий ёрдамни ташкил этишга замонавий услуб ва ёндашувларни жорий этиш имконини бермаяпти;

олтинчидан, тиббиёт ва фармацевтика ходимлари тўғрисида ҳаққоний маълумотлар, шунингдек, ишончли тиббиёт статистикасининг ягона базаси шакллантирилмаганлиги соғлиқни сақлаш тизими аҳолини муносиб баҳо-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 августда эълон қилинган.

лаш ва мавжуд муаммоларни ҳал этиш бўйича самарали чора-тадбирларни ишлаб чиқиш имконини бермаяпти;

еттинчидан, ҳал этилмаган муаммо ва камчиликларнинг сақланиб қолаётганлиги жамиятда тиббиёт ходимларининг имиджи ва обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда, ушбу касб нуфузини ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишончни пасайтирмоқда.

Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишни тубдан яхшилаш, республика соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимининг самарадорлигини ошириш, шунингдек, соҳага чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, умумэтироф этилган халқаро стандартлар ва инновацион технологияларни жорий этиш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этишнинг стратегик мақсадлари этиб белгилансин:

умумэтироф этилган халқаро методикаларга мувофиқ аниқланадиган мамлакат аҳолиси саломатлиги кўрсаткичларининг барқарор яхшиланишини ва соғлиқни сақлаш тизимидан қаноатланганлик даражасини таъминлаш;

дастлабки босқичда минтақада аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш самарадорлиги бўйича етакчи ўринларни ҳамда кейинчалик соғлиқни сақлаш тизими самарадорлигининг жаҳон рейтингларида муносиб ўринни эгаллаш;

аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам ҳажмида хусусий сектор улушини салмоқли даражада кўпайтириш, ушбу хизматнинг сифатини ва ундан фойдаланиш имкониятларини ошириш;

миллий иқтисодиётнинг бюджетни шакллантирадиган тармоғи сифатида тиббий туризмни шакллантириш, кейинчалик унинг мамлакат ялпи ички маҳсулотига ҳиссасини изчил ошириб бориш;

республика тиббиёт ва фармацевтика ходимлари, шу жумладан, бошқарув кадрларига халқаро стандартларга мувофиқ узлуксиз таълим бериш ва улар малакасини оширишнинг замонавий тизимини яратиш.

2. Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси (кейинги ўринларда Миллий палата деб юритилади) ташкил этилсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

республика соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш стратегиясини, илғор халқаро стандартлар ва жаҳондаги энг яхши амалиётни ҳисобга олган ҳолда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш;

замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартлар, шунингдек, моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқишни ташкил этиш, уларнинг ўз вақтида жорий этилишини мониторинг қилиш;

зарур статистик ахборот билан таъминлаш мақсадида тиббиёт статистикасини тўплаш ва таҳлил қилиш тизимини такомиллаштириш ва рақамлаштириш, шунингдек, статистик кўрсаткичларни манипуляция қилиш имкониятини истисно этадиган халқаро стандартлар ва методикаларни жорий этиш;

республика шифокорлари ва провизорларини рўйхатга олиш тизимини

жорий этиш, шунингдек, умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини шакллантириш ва юритиш;

халқаро стандартларга жавоб берадиган соғлиқни сақлаш инфратузилмасини яратишга, шу жумладан, тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини замонавий ускуналар билан жиҳозлаш ва илғор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш учун молиявий маблағлар жалб этишга, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасида янги ташкилотлар ташкил қилишга кўмаклашиш;

тиббиёт ходимларининг обрўсини, ушбу касб нуфузи ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига бўлган ишонччи ошириш, тиббиёт ходимларига одоб-ахлоқ қоидаларини сингдириш, коррупция кўринишларига барҳам бериш ва уларнинг олдини олиш, шунингдек, уларнинг касбий фаолияти устидан жамоатчилик назоратини таъминлаш чораларини кўриш;

тиббиёт ходимлари касбий малака даражаси, шунингдек, уларнинг кўникмалари замонавий талаблар ва жаҳоннинг энг яхши амалиётига мувофиқлиги устидан, шу жумладан, улар фаолиятини якка тартибда лицензиялашни жорий этиш орқали таъсирчан мониторинг тизимини йўлга қўйиш;

тиббиёт ходимларини тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш, ушбу соҳага замонавий стандартларни жорий этиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги юқори малакали хорижий эксперт ва мутахассисларни мамлакатга фаол жалб қилиш, мамлакатимиз мутахассислари ва экспертларининг чет элда стажировка ўташини ташкил этиш;

мамлакатимиз тиббиёт ташкилотларининг бу борадаги фаолиятини ва жаҳоннинг энг яхши амалиётини чуқур ўрганиш асосида шифокор (тиббий) хатолари, касалликларни нотўғри диагностика қилиш ва даволаш ҳолатларини камайтиришнинг таъсирчан механизмларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш;

мамлакат соғлиқни сақлашни бошқариш тизимига, шу жумладан, тиббиёт ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш ва назорат қилиш масалаларида хорижнинг энг яхши амалиётини мослаштирилган тарзда жорий этиш, шунингдек, фуқароларни тиббий суғурталашни жорий қилишнинг ташкилий-ҳуқуқий асосларини яратиш;

хусусий, энг аввало, тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларини фаол жалб қилиш, шунингдек, соғлиқни сақлашнинг хусусий тизимини жадал ривожлантириш мақсадида давлат-хусусий шерикликнинг самарали механизмларини ишлаб чиқиш ва мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимига жорий этиш;

хорижий (халқаро) тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан соғлиқни сақлаш масалалари бўйича ҳамкорликни йўлга қўйиш, шу жумладан, республика соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб этиш мақсадида учрашувлар, музокаралар ва бошқа тадбирларни ташкил қилиш, шунингдек, ушбу маблағларнинг мақсадли ва самарали ишлатилишини мониторинг ҳамда назорат қилиш;

салоҳиятли инвесторлар, айниқса, хорижий инвесторларга республиканинг хусусий соғлиқни сақлаш тизимини ривожлантириш учун инвестиция

киритиш масалалари бўйича ахборот, маслаҳат, ҳуқуқий ва бошқа шаклларда, шу жумладан, бизнес-режалар ишлаб чиқиш ва таклиф этилаётган лойиҳаларни амалга оширишни молиялаштириш манбаларини жалб қилиш орқали ҳар томонлама кўмак кўрсатиш.

3. Белгилаб қўйилсинки, Миллий палата:

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари негизида уларни молиялаштиришнинг амалдаги тартиби сақлаб қолинган ҳолда ташкил этилади ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари бўйича ҳуқуқий ворис ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳрида ўз таркибий бўлинмаларига эга бўлади, уларнинг тузилмалари ва низоми Миллий палата раиси томонидан тасдиқланади;

республика тиббиёт ва фармацевтика ходимларини бирлаштирувчи, республика соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш, шу жумладан, ушбу қарорнинг 1-бандида белгиланган стратегик мақсадларга эришишни таъминлаш учун масъул ташкилот ҳисобланади;

соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасида ҳамда ваколатига киритилган бошқа масалалар бўйича Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, давлат бошқаруви органлари, тиббиёт ва бошқа ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорлик қилади;

Ўзбекистон Республикасида соғлиқни сақлашни бошқариш тизимини ислоҳ қилиш стратегиясини ишлаб чиқиш ва амалга оширишда соғлиқни сақлаш соҳасидаги хорижий (ҳалқаро) ташкилотлар билан самарали ҳамкорликни йўлга қўйиш, шунингдек, соғлиқни сақлаш тизимига грантлар, кредитлар, донорлик ва бошқа маблағларни жалб қилиш ҳамда уларнинг мақсадли ва самарали ишлатилиши устидан мониторинг ва назоратни ташкил этиш бўйича ваколатли ташкилот ҳисобланади;

тиббиёт, фармацевтика ва бошқа ташкилотларнинг муассиси сифатида қатнашиш, соғлиқни сақлаш соҳаси ходимларининг малакасини ошириш бўйича тўлов-контракт асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш ҳуқуқига эга;

2020 йил 31 декабрга қадар республикада касбий фаолиятни амалга ошираётган шифокорлар ва провизорларни рўйхатга олиш тизимини жорий этишни, шунингдек, улар тўғрисида умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини яратишни таъминлайди.

Белгилансинки, 2021 йил 1 январдан шифокорлар ва провизорларнинг Миллий палатада рўйхатдан ўтмасдан фаолият юритиши тақиқланади.

4. Миллий палата ҳузурида қуйидагилар ташкил этилсин:

а) Ўзбекистон Республикасида Соғлиқни сақлашнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича маслаҳат кенгаши (кейинги ўринларда — Кенгаш).

Белгилаб қўйилсинки:

Кенгашга Миллий палата раиси раҳбарлик қилади ҳамда унинг таркиби

соғлиқни сақлаш соҳасидаги ташкилотлар раҳбарлари ва мутахассислари орасидан шакллантирилади;

Кенгаш соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш соҳасидаги фаолиятни мувофиқлаштириш бўйича Миллий палатанинг коллегиял маслаҳат органи ҳисобланади;

Кенгаш таркиби Миллий палата раиси томонидан тасдиқланади;

б) юридик шахс ташкил этмаган ҳолда, маблағлари тижорат банкидаги махсус, шу жумладан, валюта ҳисобварағида жамланадиган Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлашни қўллаб-қувватлаш жамғармаси (кейинги ўринларда — Жамғарма).

Қуйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари этиб белгилансин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағлари;

шифокорлар ва провизорларни рўйхатга олишни амалга оширишдан, шунингдек, улар фаолиятини лицензиялашдан тушадиган маблағлар;

шартнома асосида хизматлар кўрсатиш ва бошқа хўжалик фаолиятини амалга оширишдан тушумлар;

Жамғарманинг вақтинча бўш маблағларини банкларга жойлаштиришдан олинadиган даромадлар;

ҳалқаро молия институтлари ва хорижий ташкилотларнинг грантлари;

хайрия қилувчилар — жисмоний ва юридик шахслар, Ўзбекистон Республикаси резидентлари ва норезидентларининг маблағлари;

қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар.

5. Белгилаб қўйилсинки, Жамғарма маблағлари, шу жумладан, қуйидагиларга йўналтирилади:

Миллий палатани сақлаш, унинг фаолиятини моддий-техник таъминлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш;

ҳалқаро стандартларга мувофиқ илғор тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларини ташкил этиш, шунингдек, уларни замонавий ускуналар ва ахборот-коммуникация технологиялари билан жиҳозлаш;

замонавий клиник қўлланмалар ва протоколлар, диагностика ва даволаш сифатига оид стандартлар, тиббиёт ташкилотларини моддий-техник жиҳозлаш стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этишни ташкил қилиш;

республика тиббиёт ва фармацевтика ташкилотларининг бинolari, иншоотлари ва бошқа инфратузилмасини қуриш, уларни замонавий ускуналар билан, шу жумладан, лизинг шартларида жиҳозлашга қайтариш шarti билан ва имтиёзли асосда маблағ ажратиш;

тиббиёт ва фармацевтика ходимларини хорижда тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, шунингдек, ўқитиш, малака ошириш ва тажриба алмашишни республикада ташкил этиш учун хорижий мутахассисларни жалб этиш билан боғлиқ харажатларни молиялаштириш;

республика шифокорлари ва провизорлари тўғрисида умумий фойдаланиш учун очиқ бўлган ягона электрон маълумотлар базасини яратиш ва юритиш, шунингдек, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш;

соғлиқни сақлаш соҳасида хайрия фаолиятини амалга ошириш;

Миллий палата зиммасига юклатилган вазифаларни бажаришга қаратилган бошқа тадбирларни молиялаштириш.

6. Миллий палата 2018 йил охирига қадар Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмалари ходимларини аттестациядан ўтказсин ҳамда Миллий палатани юқори малакали мутахассислар билан тўлдиришни таъминласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Миллий палатага 2018 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги Жамият саломатлиги ва соғлиқни сақлашни ташкил этиш илмий-тадқиқот институти ва унинг ҳудудий бўлинмаларини сақлаш учун назарда тутилган маблағларнинг ажратилишини ҳамда кейинги йилларда маблағлар ҳажмларининг сақлаб қолинишини;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш соҳасини бошқариш тизимини ислоҳ қилиш доирасида Миллий палатанинг асослантирилган ҳисоб-китоблари бўйича етакчи хорижий ташкилотлар, шу жумладан, «GMC Service International Ltd» (Буюк Британия) ташкилотивакиллариининг эксперт кўмагини жалб этишга доир харажатларнинг молиялаштирилишини таъминласин.

8. Белгилаб қўйилсинки:

Миллий палатага Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган раис раҳбарлик қилади;

Миллий палата раиси меҳнатга ҳақ тўлаш, тиббий ва транспорт хизмати кўрсатиш шарт-шароитларига кўра вазирнинг биринчи ўринбосарига тенглаштирилади;

Миллий палата раиси Миллий палата раиси томонидан лавозимга тайинланадиган ва лавозимдан озод этиладиган биринчи ўринбосар ва икки нафар ўринбосарга эга;

Миллий палата раиси халқаро молия институтлари, чет эл ҳукумат молия ташкилотлари ва бошқа ташкилотларнинг маблағларини жалб этишни назарда тутадиган битим ва бошқа ҳужжатларни, шунингдек, соғлиқни сақлаш соҳасидаги лойиҳаларни амалга ошириш бўйича инвестиция битимларини ўрнатилган тартибда имзолаш ҳуқуқига эга;

Миллий палатанинг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Таълим, соғлиқни сақлаш, жисмоний тарбия, спорт ва туризм масалалари комплекси томонидан мувофиқлаштирилади;

соғлиқни сақлаш масалаларига оид ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг лойиҳалари Миллий палатада экспертизадан ўтказилиши шарт;

Жамғарма маблағларини шакллантириш ва сарфлаш, шунингдек, Миллий палата ва унинг бўлинмалари ходимлари меҳнатига ҳақ тўлаш шартлари Кенгаш томонидан белгиланади.

9. Қўйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатасининг тузилмаси 1-иловага* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Инновацион соғлиқни сақлаш миллий палатаси фаолиятини ташкил этиш бўйича «Йўл харитаси» 2-иловага* мувофиқ маъқуллансин.

10. Миллий палата раисига:

зарур ҳолларда Миллий палата тузилмасига белгиланган ходимлар сони доирасида ўзгартириш киритиш;

юклатилган вазифаларни бажариш доирасида давлат органлари, илмий-таълим муассасалари ва бошқа ташкилотлар, шу жумладан, хорижий ташкилотлар мутахассисларини, шунингдек, бошқа экспертларни маслаҳатчи сифатида шартнома асосида жалб этиш ҳуқуқи берилсин.

11. Қўйидагиларга:

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳакимов зиммасига — Миллий палатаниннг Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги, бошқа давлат бошқаруви органлари ва ташкилотлар билан самарали ўзаро ҳамкорлиги таъминланиши, шунингдек, соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг сифатли амалга оширилиши устидан таъсирчан назорат ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазири А.К. Шодмонов зиммасига — Миллий палата ва бошқа манфаатдор органлар ва ташкилотлар билан ўзаро ҳамкорликда соғлиқни сақлашни бошқаришнинг инновацион моделини жорий этиш бўйича чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши юзасидан жавобгарлик юклансин.

12. Миллий палата манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда Миллий палата тўғрисидаги низомни тасдиқлашни назарда тутадиган ҳукумат қарори лойиҳасини киритсин.

13. Миллий палата 2022 йил 1 январга қадар муддатда:

ягона ижтимоий тўловдан ташқари, барча турдаги солиқлар ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмалардан;

ўрнатилган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича республикада ишлаб чиқарилмайдиган ускуналар, компьютер техникаси, ўқитишнинг техник воситалари, адабиётлар, мультимедиа маҳсулотлари, қурилиш материаллари, инвентарь ва бошқа моддий-техника ресурслари учун божхона тўловлари тўлашдан (божхона расмийлаштируви учун йиғимлардан ташқари) озод этилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Президенти девонининг Ислохотларни ҳуқуқий таъминлаш ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш фаолиятини мувофиқлаштириш хизмати 2018 йил якунларига кўра Миллий палата фаолиятининг самарадорлигини ўргансин ҳамда 2019 йил 1 февралга қадар муддатда унинг фаолиятини янада такомиллаштириш, шунингдек, шифокорлар ва провизорлар фаолиятини яқка тартибда лицензиялаш тизимини жорий этиш бўйича таклифлар киритсин.

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

15. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги Миллий палатанинг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларга белгиланган тартибда кириш визаларининг консуллик ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

16. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Миллий палатанинг буюртманомаларига биноан мазкур қарорни амалга ошириш доирасида жалб этилаётган чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларга белгиланган тартибда давлат божи ундирилмасдан кўп марталик кириш визалари берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, уларнинг вақтинчалик яшаш жойларида вақтинча пропискага қўйилиши ва вақтинча прописка муддати узайтирилишини таъминласин.

17. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Миллий палата буюртманомаларига биноан белгиланган тартибда республикага чет эл мутахассислари, шу жумладан, халқаро экспертларни жалб этишга рухсатномалар берилишини (муддати узайтирилишини), шунингдек, ушбу чет эл фуқароларига Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолияти билан шуғулланиш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (муддати узайтирилишини) таъминласин.

18. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Миллий палатани белгиланган тартибда ҳукумат ва шаҳар алоқаси билан таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А.Н. Арипов) Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан биргаликда бир ҳафта муддатда Миллий палатанинг жойлаштирилишини таъминласин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Миллий палатага 6 та, шу жумладан, 4 та шахсий, 1 та юқори ўтиш қобилятига эга бўлган ва 1 та навбатчи автотранспорт воситасини сотиб олиш ва сақлашга лимит ажратсин.

21. Миллий палата Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва бошқа манфаатдор идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонун ҳужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклиф киритсин.

22. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдуҳақимов, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори О.Б. Муродов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат маслаҳатчисининг биринчи ўринбосари Б.М. Мавлонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 август,
ПҚ-3894-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ҚАРОРИ**644 Республика ҳудудларида «Business city» замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чоратадбирлари тўғрисида***

Туман ва шаҳар марказларининг меъморий қиёфасини янада яхшилаш ва ободонлаштириш, уларнинг хорижий ва маҳаллий инвесторлар учун жозибadorлигини ошириш, асосий туристик йўналишларда замонавий объектлар қуриш, шунингдек, республика аҳолиси ва меҳмонлари учун кўрсатиладиган хизматлар рўйхатини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги ва Инвестициялар бўйича давлат қўмитаси, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларининг Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ва шаҳарларида, республика вилоятлари ва Тошкент шаҳрида «Business city» шаклида замонавий ишбилармонлик марказларини (кейинги ўринларда «Business city» марказлари деб юритилади) ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

2. Белгилаб қўйилсинки:

туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисидаги қарор Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари томонидан уларнинг концепциялари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилганидан кейин қабул қилинади;

бююртмачи функцияларини бажариш, «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қурилишини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш учун Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида давлат унитар корхонаси шаклида «Business city» марказлари ҳудудида объектларни қуриш ва улардан фойдаланиш дирекцияси (кейинги ўринларда дирекция деб юритилади) ташкил этилади;

«Business city» марказларини батафсил режалаштириш лойиҳасини ишлаб чиқишни ташкил этиш етакчи маҳаллий ва хорижий лойиҳа ташкилотлари жалб этилган ҳолда дирекция томонидан амалга оширилади;

«Business city» марказлари ҳудудида объектларни қуриш инвесторларнинг маблағлари, шу жумладан ҳомийлик хайриялари, кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан амалга оширилади;

лойиҳалар ташаббускорларига «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қуриш учун ер участкалари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузурида ташкил этиладиган «Business city» марказлари ҳудудида лойиҳалар ташаббускорларини танлаб олиш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссиялари то-

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 3 августда эълон қилинган.

монидан ўтказиладиган энг яхши инвестиция таклифларининг танлови яқунлари бўйича, шу жумладан тегишли лойиҳаларни амалга ошириш учун жалб этиладиган инвестицияларнинг ҳажмидан келиб чиқиб берилади;

дирекцияга лойиҳалаштириш шартларини, қурилиш-монтаж ишларини амалга ошириш, товарлар (ишлар, хизматлар) харидларини амалга ошириш усулларини мустақил танлаш, шунингдек, энг яхши таклифларни танлаш натижалари бўйича танлов асосида ишларни бажарувчиларни, лойиҳа ташкилотларини белгилаш ҳуқуқи берилади.

3. Қуйидагилар дирекцияларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин: қурилишга потенциал инвесторларни, шу жумладан хорижий инвесторларни жалб этиш мақсадида маҳаллий ва хорижий оммавий ахборот воситаларида, шунингдек, Интернет тармоғида идоравий мансуб «Business city» марказини қуриш ва унинг фаолияти бўйича такдимот тадбирларини ва кенг реклама кампаниясини олиб бориш ишларини ташкил этиш;

лойиҳаларни амалга ошириш юзасидан инвесторлар билан музокаралар олиб бориш, инвестицияларнинг энг кам суммаларини белгиланган ҳолда идоравий мансуб «Business city» маркази лотларига кўра инвесторларни танлаш бўйича танловлар ўтказиш, «Business city» марказларига инвестиция қўйиш тўғрисида инвесторлар билан битимлар тузиш, шунингдек, қурилиш учун инвесторга ер участкаси бериш тўғрисида Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашига, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликларига илтимосномалар киритиш;

идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида инвесторлар томонидан реализация қилинадиган лойиҳалар амалга оширилишининг бориши устидан доимий мониторинг юритиш;

идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида объектлар қурилишини лойиҳалаштиришда лойиҳа ташкилотлари томонидан энергияни тежайдиган замонавий технологиялар жорий этилиши ҳамда юқори технологик материаллар ва буюмлардан самарали фойдаланилишининг таъминланишини назорат қилиш;

қабул қилинган мажбуриятлар инвесторлар томонидан лозим даражада бажарилишини назорат қилиш, қабул қилинган мажбуриятлар инвесторлар томонидан бажарилмаган ёки лозим даражада бажарилмаган тақдирда идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида инвестиция қўйиш тўғрисидаги битимларни муддатидан олдин бекор қилиш тўғрисида қарорлар қабул қилиш;

идоравий мансуб «Business city» маркази ҳудудида, жумладан бошқарувчи компанияларни тузиш ва тадбиркорлик субъектларини жалб этиш йўли билан умумий фойдаланиладиган жойлар, муҳандислик коммуникацияларидан фойдаланишни ва уларга хизмат кўрсатишни ташкил қилиш;

инвесторлар, ишларни бажарувчилар ва хизмат кўрсатувчилар, бинолар, иншоотлар ва турар жойларнинг мулкдорлари ва улардан фойдаланувчилар томонидан қурилиш-монтаж ишларини бажаришда ва объектлардан фойдаланишда белгиланган ёнғин ва техника хавфсизлиги қоидаларига, шаҳарсоз-

лик нормалари ва қоидаларига риоя этилиши устидан техник назоратни амалга ошириш.

4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси (А. Арипов):

«Business city» марказлари фаолиятининг самарали ташкил этилишини назорат қилиш ва мувофиқлаштириш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

инвесторлар томонидан қурилиш ишлари амалга оширилишида ва ваколатли ташкилотлар томонидан муҳандислик коммуникацияларининг ташқи тармоқларига улашда «Business city» марказлари ҳудудларини тайёрлаш учун масъул бўлган давлат ва хўжалик бошқаруви органлари ҳамда маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг ўзаро ҳамкорлигини таъминласин;

2019 йил 1 январга қадар муддатда тегишли туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишини таъминласин;

2019 йил 1 февралга қадар муддатда Инвесторларнинг энг яхши инвестиция таклифларини танлаш, уларга ер участкалари бериш ва уларни «Business city» марказлари ҳудудида жойлаштириш тартиби тўғрисидаги низомни, шунингдек, «Business city» марказлари ҳудудида инвесторларни танлаш ва жойлаштириш бўйича танлов комиссияларининг намунавий таркибини тасдиқласин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари:

тегишли туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш тўғрисида қарорлар қабул қилинишига қараб дирекциялар ташкил қилинишини ва уларнинг тўлиқ фаолият кўрсатишини;

Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастри давлат қўмитаси ҳамда бошқа ваколатли ташкилотлар билан биргаликда туманлар ва шаҳарларда «Business city» марказларини ташкил этиш учун ер участкаларининг чегаралари белгиланишини;

алоқадор ташкилотлар билан биргаликда ташкил этиладиган «Business city» марказлари ҳудудида амалда яшаётган оилалар рўйхатини аниқлаган ҳолда бузиладиган уй-жойлар, нотурар жой бинолари ва иншоотларнинг 2019 йил 1 январь ҳолатига хатловдан ўтказилишини;

ер участкалари олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотурар жой бино ва иншоотлар бузилиши, ташқи муҳандислик ва транспорт коммуникацияларига уланган ҳолда «Business city» марказлари ҳудудида объектлар қурилиши билан боғлиқ ташкилий ва техник масалаларнинг ҳал этилишини;

«Business city» марказлари ҳудудида инвесторлар томонидан лойиҳалар амалга оширилишининг бориши тизимли асосда назорат қилинишини таъминласин.

6. Белгилаб қўйилсинки:

«Business city» марказларининг шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш тегишли туманлар ва шаҳарларнинг маҳаллий бюджети маблағлари, инвесторлар ва хомийлар маблағлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан молиялаштирилади;

ер участкалари ва бошқа мол-мулк олиб қўйилиши, уй-жойлар, нотураар жой бино ва иншоотлар бузилиши сабабли мулкдорларга етказилган зарарларни қоплаш, ҳудудлар тозаланиши, ер ишлари бажарилиши, муҳандислик ва транспорт коммуникацияларининг майдон ички тармоқлари қурилиши, умумий фойдаланиладиган ҳудудлар ободонлаштирилиши, реклама кампаниялари ва тақдимот тадбирлари ўтказилиши, шунингдек, маҳаллий, хорижий консалтинг ва архитектура компаниялари хизматлари учун харажатлар инвесторларга бериладиган ер участкалари ўлчамларига қараб мутаносиб улушларда инвесторлардан тушадиган маблағлар, ҳомийлар маблағлари, кредитлар ва қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан қопланади.

7. «Ўзбекэнерго» АЖ, «Ўзтрансгаз» АЖ, «Ўзбектелеком» АК, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари «Business city» марказларининг шаҳарсозлик ҳужжатларига мувофиқ муҳандислик коммуникациялари уловчи тармоқларининг ўз маблағлари ҳисобидан қурилишини уларнинг узлуксиз фаолият кўрсатишини ҳисобга олган ҳолда таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлиги Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан биргаликда инвесторлар томонидан жалб этиладиган пудратчилар, шу жумладан хорижий пудратчиларни лойиҳа ўз вақтида ва сифатли амалга оширилиши учун пудратчиларга жавобгарликни юклаш шарти билан қурилиш соҳасида тегишли лицензия ва (ёки) рухсатнома олмасдан «fast-track» услубида (бир вақтнинг ўзида лойиҳалаш, харид қилиш ва қурилиш ишлари) фойдаланишга «тайёр ҳолда топшириш» шартларида (Engineering Procurement Construction) «Business city» марказлари лойиҳаларини амалга ошириш учун қуришга белгиланган тартибда рухсат берсин.

9. «Business city» марказлари қурилиши бўйича лойиҳаларни амалга ошириш доирасида:

2021 йил 1 январга қадар муддатда:

а) инвесторлар — мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан;

бош пудратчи ва бош лойиҳа ташкилотлари — Ўзбекистон Республикаси норезидентлари томонидан бажариладиган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар) бўйича қўшилган қиймат солиғини тўлашдан;

ташкилотлар-норезидентлар — ҳам доимий муассаса, ҳам Ўзбекистон Республикасида тўлов манбаси орқали олинадиган даромадлар бўйича фойда солиғини тўлашдан;

дирекциялар, инвесторлар, бош пудрат ташкилотлари — Ўзбекистон Республикасида ишлаб чиқарилмайдиган, белгиланган тартибда шакллантириладиган рўйхатлар бўйича олиб келинадиган қурилиш техникаси, асбоб-ускуна, бутловчи буюмлар, эҳтиёт қисмлар, қурилиш материаллари, металл конструкциялар учун божхона тўловларини (божхона йиғимлари бундан мустасно) тўлашдан;

б) дирекциялар «Business city» марказлари фаолият кўрсатишининг бутун

даврида солиқларнинг барча турлари ва давлат мақсадли жамғармаларига мажбурий ажратмаларни тўлашдан озод қилинсин.

10. Белгилансинки, ушбу қарор 8 ва 9-бандларининг амал қилиши «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик маркази қурилиши лойиҳасининг тегишли қатнашчиларига, шу жумладан унинг дирекциясига татбиқ этилади.

11. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги дирекцияларнинг буюртманомаларига биноан «Business city» марказлари ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларга кириш визалари консуллик йиғимлари ва бошқа йиғимлар ундирилмасдан расмийлаштирилишини таъминласин.

12. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги дирекцияларнинг буюртманомаларига биноан «Business city» марказлари ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи хорижий мутахассисларга давлат божи тўламасдан кўп марталик визалар расмийлаштирилиши, берилиши ва кўп марталик визаларнинг узайтирилишини, шунингдек, уларнинг вақтинча рўйхатдан ўтказилиши, турган жойи бўйича ҳисобга олинишини ҳамда вақтинча рўйхатга олиш ва ҳисобга олиш узайтирилишини таъминласин.

13. Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги дирекцияларнинг буюртманомаларига биноан «Business city» марказлари ва «Tashkent city» халқаро ишбилармонлик марказини ташкил этиш бўйича лойиҳаларни амалга оширишда қатнашувчи юқори малакали хорижий мутахассислар Ўзбекистон Республикасига жалб этилишига рухсатномалар берилишини (узайтирилишини), шунингдек, кўрсатиб ўтилган хорижий фуқароларга Ўзбекистон Республикаси ҳудудида меҳнат фаолиятини амалга ошириш ҳуқуқига тасдиқномалар берилишини (узайтирилишини) таъминласин.

14. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н. Арипов, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимлари зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси
Президенти**

Ш. МИРЗИЁЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 2 август,
ПҚ-3895-сон

УЧИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ҚАРОРИ

645 Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриат ва магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 21 июндаги ПҚ–3795-сон қарорига мувофиқ ҳамда Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриат ва магистратурасида ўқитиш учун иқтидорли ёшларни танлашнинг очиқ ва ошкоралигини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриат ва магистратурасига қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги:

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриат ва магистратурасига қабул қилишни ташкил этиш учун зарур шароитлар яратиш чораларини кўрсин;

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.А. Абдухакимов ва ташқи ишлар вазири А.Х. Камилов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 28 июль,
594-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 28 июлдаги 594-сон қарорига
ИЛОВА

**Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг
бакалавриат ва магистратурасига ўқишга қабул
қилиш тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг (кейинги ўринларда Университет деб аталади) бакалавриат ва магистратурасига ўқишга қабул қилиш тартибини белгилайди.

2. Университетнинг бакалавриат ва магистратурасига қабул бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари кесимида Ўзбекистон Республикаси Президентининг олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги тегишли қарори билан белгиланадиган давлат грантлари ҳамда тўлов-контракт асосидаги қабул квоталарига мувофиқ амалга оширилади.

3. Университетнинг бакалавриат ва магистратурасига талабалikka қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш бўйича давлат комиссияси (кейинги ўринларда Давлат комиссияси деб аталади) томонидан амалга оширилади.

4. Бакалавриат ва магистратурага қабул қилишни ташкил этиш тегишли ўқув йили учун ташкил этиладиган Университет қабул комиссиясига (кейинги ўринларда қабул комиссияси деб аталади) юкланади. Қабул комиссиясининг таркиби Университет ректорининг буйруғи билан тасдиқланади.

5. Университет ректори қабул комиссиясининг раиси ҳисобланади. Қабул комиссиясининг жорий ишларини масъул котиб ташкил қилади.

6. Қабул комиссияси ҳужжатларни қабул қилиш тартиби ва муддатлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг номлари ҳамда Университет бакалавриати ва магистратурасига қабул квоталари ҳақидаги маълумотни абитуриентлар ҳамда жамоатчиликка олдиндан етказди.

7. Университетга қабул қилиш тартиби, ҳужжатларни қабул қилиш муддатлари, бакалавриат таълим йўналишлари ва магистратура мутахассисликларининг номлари, Университет бакалавриати ва магистратурасига қабул квоталари ҳақидаги маълумот Университетнинг расмий веб-сайти, шунингдек, ахборот стендларида жойлаштирилади.

2-боб. Университет бакалавриатига қабул қилиш тартиби

8. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг бакалавриати-

га ўқишга қабул қилиш ушбу Низомга 1-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

9. Абитуриентлар қуйидаги ҳужжатларни қабул комиссиясига тақдим этадилар:

ректор номига бакалаврият таълим йўналиши, ўқув тили ва шакли кўрсатилган ариза;

умумий ўрта таълим (11-синф негизида) ёки ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасаси (академик лицей, касб-хунар коллежи)ни тугатганлиги ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси;

086-У шакл бўйича тиббий маълумотнома;

паспорт нусхаси (16 ёшга тўлмаган шахслар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳнома нусхасини тақдим этади);

3,5 x 4,5 см ҳажмдаги 6 дона рангли фотосурат;

меҳнат дафтарчасидан белгиланган тартибда тасдиқланган кўчирма (мавжуд бўлса).

10. Халқаро ва республика олимпиадалари, танловлар ва мусобақалар ғолиблари, шунингдек, қонун ҳужжатларига мувофиқ олий таълим муассасаларига имтиёзли равишда ўқишга кириш ҳуқуқига эга шахслар ушбу ҳуқуқни тасдиқловчи ҳужжатнинг асл нусхасини ҳам тақдим этадилар.

11. Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқаролар ушбу Низомнинг 9-бандида қайд этилган ҳужжатлар билан биргаликда ҳарбий қисм қўмондонлигининг тегишли тавсияномасининг аслини тақдим этадилар.

12. TOEFL IBT, IELTS, CEFR, Тест DaF халқаро имтиҳон тизимларининг амалдаги сертификатлари, GOETHE сертификати, DELF сертификати, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори талабларига мувофиқ сертификатларга эга бўлган фуқаролар қабул комиссиясига ушбу сертификатларнинг асл нусхаларини тақдим этадилар.

13. Ҳужжатлар олий таълим муассасаларига ўқишга кирадиган абитуриентлардан ҳужжатлар қабул қилиш бошланган кундан 20 кун давомида қабул қилинади.

14. Ҳужжатларни тақдим этишда абитуриент томонидан паспорт (16 ёшга тўлмаган шахслар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани) шахсан кўрсатилади.

15. Ушбу Низомнинг 9-бандида назарда тутилган талабларга мос ҳужжатлар тақдим этилганда, қабул комиссияси абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмас.

16. Абитуриент тақдим этилган ҳужжатларни шахсан ёки ишончли вакил орқали (абитуриент томонидан берилган ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома тақдим этилганда ва унда ишончли вакилига берилган ваколатлар кўрсатилганда) чақириб олиш тўғрисида қабул комиссиясига ариза бериш, шунингдек, абитуриентга дастлабки

* 1-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

имтиҳон натижаларига кўра кириш тест синовларида иштирок этишга рухсат рад этилган ҳолларда такдим этилган ҳужжатларни қайтариб олиш ҳуқуқига эга.

17. Қуйидаги ҳолларда такдим этилган ҳужжатлар абитуриентга ёки унинг ишончли вакилига қайтарилади:

иш куни тугашига икки соатдан кам бўлмаган вақт қолганда қабул комиссиясига мурожаат қилинган тақдирда — жорий иш куни охиригача;

иш куни тугашига икки соатдан кам вақт қолганда мурожаат қилинган тақдирда — кейинги иш кунининг дастлабки икки соати давомида.

18. Университет бакалавриятига ўқишга қабул қилиш барча абитуриентлар учун тенг ҳуқуқлилиқ, ошкоралиқ, ягона қабул қоидалари ва танлов асосида амалга оширилади.

19. Университет бакалавриятига ўқишга қабул қилиш икки босқичда ўтказилади:

дастлабки имтиҳон (ёзма);

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган кириш тест синовлари орқали.

20. Дастлабки имтиҳон Университет ректорининг буйруғи билан ташкил этиладиган махсус комиссия (кейинги ўринларда махсус комиссия деб аталади) томонидан ўтказилади.

Махсус комиссия таркибига Университет ходимлари билан бир қаторда бошқа давлат ва нодавлат нотижорат ташкилотлари вакиллари ҳам киритилади. Махсус комиссия ўз фаолиятини қонунийлик, коллегиялик, ошкоралиқ, холислиқ ва беғаразлик тамойиллари асосида амалга оширади.

21. Махсус комиссияга комиссия аъзоларининг фаолиятини мувофиқлаштирадиган раис раҳбарлик қилади. Қабул комиссиясининг масъул котиби ўринбосари махсус комиссия раиси ҳисобланади.

22. Дастлабки имтиҳон ҳар йили Университет қабул комиссияси томонидан белгиланадиган муддатларда ўтказилади.

23. Дастлабки имтиҳонни ўтказиш жадвали Университет қабул комиссияси раиси томонидан тасдиқланади ва дастлабки имтиҳонни ўтказиш бошланишидан камида 10 кун аввал Университетнинг расмий веб-сайтида жойлаштирилади.

24. Дастлабки имтиҳон Университет негизида зарур техник, тиббий ва бошқа шароитларни яратган ҳолда ўтказилади. Бино ва аудиториялар хавфсизлик талабларига, шу жумладан ёнғин хавфсизлиги, шунингдек, санитария қоидалари, нормалари ва гигиена нормативларига тўлиқ жавоб бериши шарт.

Ҳужжатларни қабул қилиш, абитуриентлар билан суҳбатлашиш, дастлабки имтиҳонни топшириш жараёни видео ва аудио тизимлар ёрдамида ёзиб олинади.

25. Дастлабки имтиҳон ёзма шаклда ўтказилади ва қуйидагиларни белгиловчи саволларнинг уч блокдан иборат бўлади:

интеллектуал даража (40 балл), мантиқий ва кенг фикрлаш, турли тусунчалар, фактларни таққослаш ҳамда уларнинг ўртасидаги ўзаро боғлиқликни топиш;

она тилини билиш даражаси (30 балл), ўрта махсус, касб-хунар таълими муассасалари (академик лицейлар, касб-хунар коллежлари), шунингдек, умумтаълим мактаблари (11-синф базасида) дастурларига киритилган Ўзбекистон маданияти, санъати, тарихи, географиясига тааллуқли ва бошқа масалалар юзасидан саводли ва асосли тушунтириш қобилияти;

хорижий тилларни (инглиз, француз ва немис тиллари) билиш даражаси (30 балл), Ўзбекистон маданияти, санъати, тарихи, географиясига тааллуқли ва бошқа соҳаларга оид масалалар юзасидан саводли ва асосли тушунтириш қобилияти. Бунда, хорижий тиллар бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатларига, шу жумладан, IELTS бўйича камида 5,5 балл, TOEFL IBT бўйича камида 61 балл билим даражаси кўрсаткичи билан халқаро сертификатларга, шунингдек, тест DaF, GOETHE сертификати, DELF сертификати имтиҳонларидан CEFR услуби бўйича B2 минимал даражасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори талабларига мувофиқ сертификатларга эга бўлган абитуриентларга ушбу саволлар блоки бўйича максимал балл берилади.

26. Дастлабки имтиҳоннинг максимал баллари миқдори 100 баллни ташкил этади. Абитуриент кириш тест синовларига рухсат берилиши учун билетдаги барча саволлар бўйича умумий баллар миқдорининг камида 50 фоизини тўплаши зарур.

27. Абитуриентларнинг тайёргарлигини баҳолаш мезонлари, дастлабки имтиҳонни ўтказиш тартиби махсус комиссия томонидан ишлаб чиқилади, қабул комиссияси томонидан тасдиқланади ва Университет расмий веб-сайтида, шунингдек, ахборот стендларида дастлабки имтиҳонни ўтказиш муддатидан камида ўн кун аввал жойлаштирилади.

Дастлабки имтиҳон саволларини ишлаб чиқиш учун тегишли бакалаврият таълим йўналишлари бўйича малакали мутахассислар жалб этилади.

28. Дастлабки имтиҳон ушбу Низомнинг 25-бандида белгиланган саволларнинг уч блокидан иборат топшириқлар асосида ўтказилади.

29. Барча топшириқлар одатда, ягона имтиҳон талабларини (имтиҳон материалининг мос ҳажми, саволлар, мисоллар ва топшириқларнинг мураккаблик ва меҳнат талаб қилиш даражаси) ўз ичига олиши зарур.

30. Топшириқлар рўйхати қабул комиссияси томонидан дастлабки имтиҳон ўтказилишидан бир кун аввал тасдиқланади.

31. Дастлабки имтиҳон учун ажратилган вақт, шу жумладан ташкилий қисм ва ишларни топшириш вақти 3 соатни ташкил қилади.

32. Дастлабки имтиҳонни ташкил этиш учун абитуриентлар гуруҳларга бўлинади. Бунда, ҳар бир гуруҳда дастлабки имтиҳонни ташкил этиш ва унинг ўтказилишини назорат қилиш махсус комиссиянинг уч нафар вакили томонидан амалга оширилади. Махсус комиссиянинг баён шаклида тасдиқланадиган қарори асосида махсус комиссия аъзолари гуруҳларга ажратилади. Аудиторияда бошқа шахсларнинг бўлишига йўл қўйилмайди.

33. Абитуриент аудиторияга қабул комиссиясининг масъул шахси то-

монидан таклиф этилади. Бунда абитуриент ўз паспортини (16 ёшга тўлмаган шахслар туғилганлиги тўғрисидаги гувоҳномани) тақдим этиши шарт.

34. Абитуриентларнинг ёзма имтиҳон ўтказиладиган аудиторияга қоғоз ёки электрон манбадаги ўқув адабиёти, луғатлар, маълумотномалар, жадваллар ва бошқа адабиётни, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, конспектлар, ёзув дафтарлари, қоғоз ёки электрон шаклдаги шпаргалкалар, алоқа воситалари (жумладан, мобил алоқа воситаси), аудио, фото ва видео ёзиш қурилмаларини олиб кириш ҳамда улардан фойдаланиш қатъиян ман этилади. Абитуриентларнинг ёзма имтиҳон ўтказиладиган вақтда аудиториядан чиқиши тақиқланади, саломатлиги ёмонлашганда қабул комиссиясининг масъул шахси ҳамроҳлигида чиқиши бундан мустасно. Бунда ёзма имтиҳон материаллари қабул комиссиясига топширилиши шарт.

35. Дастлабки имтиҳон бошланишидан аввал махсус комиссия вакиллари абитуриентларнинг имтиҳонга келиш давоматини текширади ва шундан сўнг ёзма имтиҳон тўғрисидаги маълумотларни қайд этиш варағига тегишли ёзувлар қайд этилади.

36. Абитуриент дастлабки имтиҳонга жадвал бўйича келмаган ҳолатларда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ўтказиладиган кириш тест синовларига қўйилмайди.

37. Имконияти чекланган абитуриентларга дастлабки имтиҳон умумий тартибда, уларга аудиторияга тўсиқсиз кириши учун тегишли техник шароитлар яратилган ҳолда ўтказилади.

38. Дастлабки имтиҳон натижалари махсус комиссия томонидан тузиладиган, ушбу комиссиянинг раиси ва тегишли гуруҳларда имтиҳон ўтказган аъзолари имзолайдиган баён билан расмийлаштирилади. Қабул комиссияси дастлабки имтиҳон натижалари бўйича абитуриентга кириш тест синовларида иштирок этишга рухсат бериш ёки рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади.

39. Дастлабки имтиҳон натижалари тўғрисидаги маълумот Университетнинг ахборот стендларида ва расмий веб-сайтида имтиҳон ўтказилгандан кейинги икки кун ичида жойлаштирилади.

40. Дастлабки имтиҳон натижалари эълон қилинганидан сўнг бир кундан кечикмаган ҳолда уларни қайта кўриб чиқиш учун мурожаат қилиниши мумкин.

Фуқароларнинг ушбу масала бўйича мурожаатлари қабул комиссияси томонидан абитуриент дастлабки имтиҳон натижаларини қайта кўриб чиқиш учун мурожаат қилган кундан кейинги икки кун ичида кўриб чиқилади.

41. Университет бакалавриятига дастлабки имтиҳонни қайта ўтказишга йўл қўйилмайди.

42. Дастлабки имтиҳондан муваффақиятли ўтган абитуриентларга кириш тест синовларини Университет бакалавриятига ўқишга кириш учун белгиланган тартибда топширишга рухсат этилади.

43. Хорижий тиллар бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатларига, шу жумладан IELTS бўйича камида 5,5 балл, TOEFL IBT бўйича камида 61 балл билим даражаси кўрсаткичи билан халқ-

аро сертификатларга, шунингдек, тест DaF, GOETHE сертификати, DELF сертификати имтиҳонларидан CEFR услуги бўйича B2 минимал даражасига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори талабларига мувофиқ сертификатларга эга бўлган абитуриентларга максимал балл (100 балл) берилади ва улар ушбу фан бўйича кириш имтиҳонларидан озод этилади.

44. Абитуриентларни Университет бакалавриатига қабул қилиш тўғрисидаги қарор Давлат комиссияси томонидан белгиланган тартибда қабул қилинади.

Давлат комиссиясининг абитуриентлар Университет бакалавриатига қабул қилинганлиги тўғрисидаги қарори уларнинг дастлабки имтиҳонларда тўплаган баллари ҳисобга олинмаган ҳолда қабул қилинади.

45. Давлат комиссиясининг қарори Университет ректори томонидан абитуриентнинг Университетга қабул қилиниши тўғрисидаги буйруқни қабул қилиш учун асос ҳисобланади.

46. Хорижий фуқаролар суҳбат ўтказиш йўли билан қабул квотасидан ташқари тўлов-контракт асосида Университет бакалавриатига ўқишга қабул қилинадилар.

3-боб. Университет магистратурасига қабул қилиш тартиби

47. Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетининг магистратурасига ўқишга қабул қилиш ушбу Низомга 2-иловада* келтирилган схемага мувофиқ амалга оширилади.

48. Университет магистратурасига ўқишга қабул қилиш умумий тартибда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Олий таълим муассасаларига ўқишга қабул қилиш, талабалар ўқишини кўчириш, қайта тиклаш ва ўқишдан четлаштириш тартиби тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» 2017 йил 20 июндаги 393-сон қарорида белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

49. Университет магистратураси мутахассисликлари бўйича ўқиш муддати ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда таълим олувчилар учун бир йилни, ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда таълим олувчилар учун икки йилни ташкил этади.

50. Университет магистратурасига ўқишга қабул қилиш бакалавриатнинг тегишли таълим йўналишлари бўйича топшириқларни ўз ичига олган кириш ёзма имтиҳонлар шаклида амалга оширилади.

51. Абитуриент энг кўп (максимал) тўплаши мумкин бўлган балл 300 ни ташкил этади. Ушбу баллар қуйидагилардан келиб чиққан ҳолда шакллантирилади:

бакалавриат дипломи рейтингининг ўртача балли — 55 баллдан 100 баллгача;

* 2-илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

мутахассислик фанлари бўйича баллар — 0 баллдан 100 баллгача;
хорижий тил бўйича баллар — 0 баллдан 100 баллгача.

52. Хорижий тиллар бўйича етакчи халқаро ва баҳолаш тизимларининг амалдаги сертификатларига, шу жумладан IELTS бўйича камида 6,5 балл, TOEFL IBT бўйича камида 85 балл билим даражаси кўрсаткичи билан халқаро сертификатларга, шунингдек, тест DaF, GOETHE сертификати, DALF сертификати имтиҳонларидан CEFR услуги бўйича C1 минимал даражасига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Таълим муассасаларида чет тилларини ўқитишнинг сифатини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида» 2017 йил 11 августдаги 610-сон қарори талабларига мувофиқ сертификатларга эга бўлган абитуриентларга максимал балл (100 балл) берилади ва улар хорижий тиллар бўйича кириш имтиҳонларидан озод этилади.

53. Ёзма имтиҳон натижалари асосида кириш имтиҳонларининг умумий бали аниқланади ва танлов қайдномасига киритилади. Танлов қайдномаси қабул комиссияси томонидан тасдиқланади ва Давлат комиссиясига белгиланган тартибда кўриб чиқиш ва Университет магистратурасига ўқишга қабул қилиш тўғрисидаги қарорни қабул қилиш учун юборилади.

4-боб. Яқунловчи қоидалар

54. Ҳужжатларни қабул қилишни ташкил этиш ва Университет бакалавриати ҳамда магистратурасига дастлабки имтиҳонни ўтказиш билан боғлиқ харажатлар Университетнинг бюджетдан ташқари маблағларидан қопланади.

55. Ушбу Низомни қўллашда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

56. Мазкур Низом талабларининг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ
ҚАРОРИ**646 Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига харид қилиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Мамлакатнинг озиқ-овқат хавфсизлигини янада таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 16 январдаги ПФ–5303-сон Фармони ижро этиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилади:**

1. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига харид қилиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Ўзбекистон республика товар-хонашў биржаси» АЖ Давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор билан биргаликда икки ой муддатда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига импорт қилишни ташкил этиш мақсадида давлат харидларининг махсус ахборот портали ишга туширилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлов ташкилотлари томонидан Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси белгилайдиган ҳажмларда Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига рақобат асосида харид қилинишини ташкил этиш учун ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига жаҳон бозоридаги нархлар конъюнктурасининг доимий мониторингини олиб борсин.

4. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари — Ўзбекистон Республикаси молия вазири Ж.А. Қўчқоров, Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари З.Т. Мирзаев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири**

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июль,
596-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 30 июлдаги 596-сон қарорига
ИЛОВА

**Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини
Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга
қўмаклашиш жамғармаси маблағлари ҳисобига харид қилиш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу Низом ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари маҳаллий тайёрлов ташкилотлари томонидан Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга қўмаклашиш жамғармаси (кейинги ўринларда Жамғарма деб аталади) маблағлари ҳисобига харид қилиниши тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

Республика комиссияси — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон қарорига мувофиқ ташкил этилган Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш республика комиссияси;

худудий комиссиялар — Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон қарорига мувофиқ Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари ҳузурида ташкил этилган Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турларига нарх-навони мониторинг ва назорат қилиш бўйича доимий фаолият юритадиган худудий комиссиялар;

ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари — аҳоли истеъмолининг асосий рационини ташкил қиладиган, улар бўйича ички бозорда талаб ва таклифларнинг мавсумий ҳамда бошқа кескин ўзгаришлари кузатиладиган озиқ-овқат маҳсулотлари, биринчи навбатда, гўшт (мол гўшти, қўй гўшти, парранда гўшти), ўсимлик ва ҳайвон ёғи, шакар, ғалла, ун, картошка, сабзи, бошпиез ва рўйхати Республика комиссияси томонидан тасдиқланадиган бошқа турдаги озиқ-овқат маҳсулотлари;

Тайёрлов ташкилотлари реестри — ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун омборхоналарга ҳамда уларни Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилиш учун савдо шохобчаларига эга бўлган Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилувчи, тайёрловчи, ғамловчи, сақловчи ва сотувчи ташкилотлар реестри;

тайёрлов ташкилотлари — Тайёрлов ташкилотлари реестрига киритилган ва ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилувчи, тайёрловчи, ғамловчи, сақловчи ва сотувчи ташкилотлар;

буюртмачи — ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилувчи тайёрлов ташкилоти;

етказиб берувчи — харидларни амалга оширишга талабгор сифатида харид тартиботида иштирок этувчи Ўзбекистон Республикаси резиденти ва норезиденти бўлган харид тартиботлари иштирокчиси. Харид тартиботлари яқунлари бўйича ғолиб деб топилган ва у билан харидларни амалга оширишга шартнома тузилган иштирокчи;

Жамғарма — Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг маҳсус жамғармаси шаклида ташкил этиладиган ва ўз фаолиятини юридик шахс ташкил этмасдан амалга оширадиган ҳамда маблағларидан фақат Республика комиссиясининг қарорлари асосида фойдаланиладиган Ички истеъмол бозорида нарх-навони барқарорлаштиришга кўмаклашиш жамғармаси (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика аҳолисини ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарларининг асосий турлари билан ишончли таъминлашга оид кечиктириб бўлмайдиган чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 23 июндаги ПҚ–3082-сон қарорига мувофиқ).

3. Жамғарма маблағлари ҳисобига ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш, ички бозорда, биринчи навбатда, муҳим турдаги ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари учун талаб ва таклифларнинг мавсумий ва бошқа кескин ўзгариб туришини юмшатиш мақсадида амалга оширилади.

2-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилишда иштирок этиш учун Тайёрлов ташкилотлари реестрини шакллантириш тартиби

4. Ички бозордаги талаб ва таклифларнинг мавсумий ва бошқа кескин ўзгариб туришига нисбатан тезкор чоралар кўриш учун Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилиш бўйича тайёрлов ташкилотларининг мунтазам янгилаб бориладиган реестри Республика комиссияси томонидан олдиндан шакллантирилади.

5. Тайёрлов ташкилотлари реестрини шакллантириш ва тизимли равишда юритиш ҳудудий комиссиялар томонидан тақдим этиладиган материаллар асосида Республика комиссияси томонидан амалга оширилади.

Тайёрлов ташкилотлари реестри ҳудудий комиссиялар таклифлари ҳисобга олинган ҳолда ҳар ойда жорий ойнинг 5-кунигача янгиланади.

6. Республика комиссияси Тайёрлов ташкилотлари реестрини шакллантириш учун ҳар йили январь ойида Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ва harid.uz давлат харидлари ахборот порталида ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари харидида иштирок этишга Тайёрлов ташкилотлари реестрига киритиш учун тайёрлов

ташкilotини танлаш бўйича танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълонни жойлаштиради.

Тайёрлов ташкilotларини танлаш бўйича танлов ўтказилиши тўғрисидаги эълон танлов ўтказилиши ва тайёрлов ташкilotларидан таклифларни қабул қилиш муддати тамом бўлиши санасидан камида ўн кун олдин жойлаштирилади.

Эълонда қуйидаги маълумотлар бўлиши керак:

товарнинг батафсил тавсифи ва нархи;

тайёрлов ташкilotларига қўйиладиган талаблар;

тайёрлов ташкilotи билан алоқа қилиш учун алоқа қилувчи шахслар сифатида белгиланган бир ёки бир неча мансабдор шахсларнинг фамилияси, исми ва отасининг исми, лавозими ва манзили;

зарур ҳужжатларнинг қоидаларини тушунтиришга сўров бериш шакли;

таклифлар билдирилган буюртманомаларни бериш муддати тамом бўлиши санаси ва вақти.

Эълонда қонун ҳужжатларига зид бўлмаган бошқа маълумотлар ҳам бўлиши мумкин.

7. Тайёрлов ташкilotлари Тайёрлов ташкilotлари реестрига киритиш мақсадида тайёрлов ташкilotларини танлаш бўйича танловда иштирок этиш учун ҳудудий комиссияларга қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:

Республика комиссияси тасдиқлаган шаклдаги ариза;

хисоб-китоб рақами ҳолати тўғрисида маълумотнома;

улгуржи савдони амалга ошириш ҳуқуқига лицензия мавжудлиги тўғрисида маълумот;

талабгорда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли равишда сақлаш ва сотиш учун ўзининг ёки ижарага олинган омборхоналари ҳамда савдо шохобчаларининг мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат;

шартномаларни ижро этиш учун зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ва бошқа ресурслар мавжудлигини тасдиқлайдиган ҳужжат.

Тақдим этилган маълумотларнинг ишончилиги ва тўлиқлиги учун тайёрлов ташкilotлари жавоб беради.

Таклифлар билдирилган буюртманомаларни қабул қилиш Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида эълон қилинган эълонда кўрсатилган муддат бошлангандан кейин тўхтатилади.

8. Озиқ-овқат маҳсулотлари харидларида иштирок этиш учун тайёрлов ташкilotларининг таклифларини ҳудудий комиссиялар томонидан кўриб чиқиш ва баҳолаш муддати таклифлар бериш тамом бўлган пайтдан бошлаб уч кундан ортиқ бўлмаслиги керак.

9. Тайёрлов ташкilotларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш қуйидаги мезонлар асосида амалга оширилади:

шартномаларни ижро этиш учун талабгорда зарур техник, молиявий, моддий, кадрлар ресурслари ва бошқа ресурсларнинг мавжудлиги;

талабгорда солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни тўлаш бўйича қарздорликнинг йўқлиги;

талабгорда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини тегишли равишда сақлаш ва сотиш учун ўзининг омборхоналари ёки ижарага олинган омборлар ҳамда савдо шохобчаларининг мавжудлиги.

Ушбу бандда кўрсатилган мезонлар ҳисобга олинган ҳолда шартномаларни ижро этиш учун энг яхши шарт-шароитларни таклиф этган тайёрлов ташкилоти ғолиб деб эътироф этилади.

Бир неча тайёрлов ташкилотларидан тенг қийматли таклифлар тушган тақдирда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари харидларида иштирок этиш учун биринчи бўлиб ариза берган тайёрлов ташкилотига устунлик берилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш натижалари ҳудудий комиссиянинг баённомасида қайд этилади.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомасида:

тайёрлов ташкилотларининг таклифларини кўриб чиқиш ва баҳолаш санаси ва вақти;

таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолашда қатнашган ҳудудий комиссия аъзолари ва тайёрлов ташкилотларининг ваколатли вакиллари таркиби;

таклифлари кўриб чиқилган тайёрлов ташкилотлари рўйхати;

рад этишнинг аниқ сабаблари кўрсатилган ҳолда таклифлари рад этилган тайёрлов ташкилотлари рўйхати;

тайёрлов ташкилотларини танлаш бўйича қабул қилинган қарор;

танлаб олинган тайёрлов ташкилотларининг тўлиқ номи, жойлашган жойи тўғрисидаги маълумотлар бўлиши керак.

Таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси ҳудудий комиссиянинг барча аъзолари томонидан имзоланади ва ундан кўчирма у имзоланган кундан бошлаб уч иш куни мобайнида махсус ахборот веб-порталида эълон қилинади.

Тайёрлов ташкилотлари таклифларни кўриб чиқиш ва баҳолаш баённомаси эълон қилингандан кейин тегишли ҳудудий комиссияга танлов натижалари бўйича тушунтириш бериш тўғрисидаги сўровни юбориш ҳуқуқига эгадирлар. Бундай сўров тушган санадан бошлаб уч иш куни мобайнида ҳудудий комиссия тайёрлов ташкилотига ўз танлови асосланган тегишли тушунтиришни тақдим этиши шарт.

10. Баҳолаш якунлари бўйича ҳудудий комиссия уч кун мобайнида ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш ва сотиш бўйича тайёрлов ташкилотлари рўйхатини шакллантиради ва тасдиқлайди ҳамда уни Республика комиссиясига тақдим этади.

11. Республика комиссияси ҳудудий комиссияларнинг таклифлари асосида икки кун мобайнида ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилувчи ва сотувчи Тайёрлов ташкилотлари реестрини шакллантиради.

Тайёрлов ташкилоти танлов натижалари бўйича ҳудудий ёки республика комиссияларининг қарорига рози бўлмаган тақдирда ҳудудий ёки республика комиссияларининг қарори устидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда шикоят қилиш ҳуқуқига эгадир.

3-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжни шакллантириш тартиби

12. Худудий комиссиялар ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг амалдаги ва кутилаётган нархлари мониторингини олиб бориш доирасида ҳар куни ички бозордаги нархларнинг жорий ҳолатини ҳамда омборхоналарда сақланаётган ва савдо ташкилотларидаги (савдо шохобчаларидаги) маҳсулотлар қолдиғини ўрганадилар. Мониторинг натижаларига кўра Республика комиссиясига келгуси давр учун ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларига прогноз қилинаётган нархлар ва эҳтиёж бўйича асосланган таклифларни ҳар ўн кунда тақдим этади, ички ва ташқи бозорларда уларни харид қилиш рўйхати ва ҳажмларини белгилайди.

13. Республика комиссияси келгуси даврга ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг прогнозлаштирилаётган нархлари ва уларга бўлган эҳтиёж бўйича худудий комиссияларнинг таклифлари олингандан кейин икки кун мобайнида Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлигига импорт контрактлар бўйича харид қилинадиган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини тақдим этади.

14. Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги Савдо-саноат палатаси билан биргаликда ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхати олинган кундан бошлаб уч кун мобайнида Республика комиссиясига ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Жамғарма маблағлари ҳисобига импорт контрактлар бўйича етказиб беришга нархлар бўйича тавсияларни тақдим этади.

Жаҳон бозорида товарлар нархлари конъюнктурасини ўрганиш Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги томонидан:

бошқа хорижий ишлаб чиқарувчи ташкилотлардан ёки маҳаллий экспорт қилувчи корхоналардан ёзма шаклда олинган шунга ўхшаш маҳсулотлар нархлари тўғрисидаги маълумотлар;

расмий оммавий ахборот воситаларида эълон қилинган экспорт қилинадиган маҳсулотга жаҳон нархлари даражаси тўғрисидаги маълумотлар;

товар-хомашё биржалари, турли агентликлар, консалтинг ташкилотлари, махсус ваколатли органлардан ва жаҳон нархлари тўғрисидаги маълумотларни тўплаш ва эълон қилиш билан шуғулланувчи бошқа юридик шахслардан ёзма шаклда олинган хулосалар ёки маълумотлар асосида амалга оширилади.

15. Республика комиссияси худудий комиссиялар раҳбарлари тақдим этган нархлар ва ҳажмлар бўйича таклифларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Ташқи савдо вазирлиги тавсияларини ҳисобга олиб Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилинадиган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари рўйхатини ушбу маҳсулотлар ҳажмлари ва харид қилиш бозорларини (ички ва ташқи) кўрсатган ҳолда тасдиқлайди, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларининг режалаштирилаётган хариди

тўғрисидаги ахборотни Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ва xarid.uz давлат харидлари ахборот порталида жойлаштиради.

4-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш тартиби

16. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари Жамғарма маблағлари ҳисобига ушбу Низомга иловага* мувофиқ схема бўйича харид қилинади.

17. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари ички ва ташқи бозорларда Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилинади.

Ички бозорда қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиш-баҳор даврига ғамлаш учун етказиб берувчилар ва тайёрлов ташкилотлари ўртасида тузилган шартномалар (контрактлар) асосида харид қилинади.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари қиш-баҳор даврига ғамлаш учун деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 30 ноябрдаги ПҚ-3418-сон қарори билан тасдиқланган «Ўзбекозиқовқатзахира» уюшмаси ташкилотлари томонидан деҳқон ва шахсий ёрдамчи хўжаликлардан қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини харид қилиш тартиби тўғрисидаги низом талабларига мувофиқ харид қилинади.

Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари Жамғарма маблағлари ҳисобига фақат товар-хомашё биржалари, шу жумладан, хорижий биржаларнинг очиқ электрон савдолари тизими орқали импорт қилинади.

18. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун Жамғарма маблағлари тайёрлов ташкилотлари ва хизмат кўрсатувчи тижорат банклари билан уч томонлама шартномалар тузиш асосида ҳамда ушбу шартномаларда қарзни қоплаш жадваллари ва тайёрлов ташкилотларига хизмат кўрсатувчи банкларнинг қарзни қайтариш бўйича кафолатлари назарда тутилган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан фойсиз қарз шаклида ажратилади.

Бунда ички етказиб берувчилар учун тўловлар миллий валютада, ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини импорт қилишда эса АҚШ долларларида тўланади.

19. Қарзлар Жамғармага тайёрлов ташкилотлари томонидан фойсиз қарз ажратиш тўғрисидаги уч томонлама шартномаларнинг ажралмас қисми ҳисобланган ўзаро келишилган жадвалларга мувофиқ қайтарилади. Қоплаш жадвалларида, қоидага кўра, харид қилинган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш учун рухсатнома олинган санадан бошлаб 30 кун мобайнида қарзни қоплаш назарда тутилиши керак.

Валютадаги қарз Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг қарзни қайтариш санасидаги курси бўйича миллий валютада қайтарилади.

* Илова «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

5-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини товар-хомашё биржаларининг очик электрон савдолар тизими орқали харид қилиш тартиби

20. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини Жамғарма маблағлари ҳисобига товар-хомашё биржаларининг очик электрон савдолар тизими орқали харид қилиш давлат харидларини ташкил этиш ва ўтказиш учун белгиланган қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ амалга оширилади.

21. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат товарини етказиб беришга маҳаллий товар-хомашё биржаларининг очик электрон савдоларида таклифлар бўлмаган тақдирда буюртмачи ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини хорижий биржаларнинг очик электрон савдоларида сотиб олиш ҳуқуқига эгадир.

6-боб. Ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотларини сотиш тартиби

22. Жамғарма маблағлари ҳисобидан харид қилинган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлов ташкилотлари томонидан ички бозордаги нархлар конъюнктураси ҳисобга олинган ҳолда Республика комиссияси белгилайдиган нархлар бўйича сотилади.

23. Жамғарма маблағлари ҳисобига харид қилинган ижтимоий аҳамиятга эга озиқ-овқат маҳсулотлари фақат Тайёрлов ташкилотлари реестрига киритилган савдо шохобчаларида сотилади.

7-боб. Яқунловчи қоидалар

24. Жамғармага маблағларини ўз вақтида қайтариш бўйича жавобгарлик фоизсиз қарз бўйича тузилган шартномалар шартларига мувофиқ тегишли тайёрлов ташкилотларига юкланади.

25. Тайёрлов ташкилотлари фоизсиз қарз ажратиш тўғрисида тузилган шартномаларга мувофиқ Жамғарманинг мақсадли маблағларини қайтариш билан боғлиқ ўз мажбуриятларини бажармаганда ёки тегишли равишда бажармаганда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига қарздорларнинг барча банк ҳисоб рақамларидаги маблағлари ҳисобига қарзларни ва пеняни ҳисобдан чиқариш учун устувор ҳуқуқ берилади, қонунчиликка мувофиқ даъво тақдим этиш мумкин бўлмаган қарздорлар бундан мустасно. Бунда тайёрлов ташкилотларига нисбатан қонунчиликка мувофиқ асосий ҳисобкитоб рақамига инкасса талаблари қўйилади.

26. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Давлат молия назорати бош бошқармаси Жамғарманинг ажратилган маблағларидан қатъий мақсадли фойдаланиш белгиланган тартибда назорат қилинишини таъминлайди.

27. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI VAZIRLAR MAҲKAMASINING
ҚАРОРИ**647** Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонига мувофиқ ҳамда электрон шаклда товарларни божхонада декларациялаш тартибини янада такомиллаштириш ва ташқи иқтисодий фаолиятни юритиш учун қулай шароит яратиш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси **қарор қилди:**

1. Маълумот учун қабул қилинсинки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона хизмати органлари фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 12 апрелдаги ПФ-5414-сон Фармонига мувофиқ 2018 йил 1 июлдан бошлаб ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари божхона брокерларига мурожаат қилмасдан божхона юк декларацияларини Интернет тармоғи орқали реал вақт режимида тўлдириш ва божхона органларига тақдим этиш ҳуқуқига эга.

2. Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда бир ой муддатда Ўзбекистон Республикаси Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ташқи иқтисодий фаолият иштирокчилари томонидан электрон рақамли имзони қўллаган ҳолда декларацияловчи шахслар рўйхатини шакллантирувчи «Декларацияловчи шахслар рўйхати» интерактив хизматини ишлаб чиқсин ва жорий этсин.

4. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

5. Вазирликлар ва идоралар ўзлари қабул қилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бир ой муддатда ушбу қарорга мувофиқлаштирсинлар.

6. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Н.С. Отажонов ва Давлат божхона қўмитаси раиси М.Б. Азимов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикасининг
Бош вазири

А. АРИПОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 31 июль,
605-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 августда эълон қилинган.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 июлдаги 605-сон қарорига
1-ИЛОВА

**Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш
тартиби тўғрисида
НИЗОМ**

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низом товарларни электрон шаклда декларациялаш жараёнини (кейинги ўринларда электрон декларациялаш деб аталади) амалга ошириш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

электрон декларациялаш — божхона юк декларацияси (кейинги ўринларда БЮД деб аталади) ҳамда божхона расмийлаштируви учун лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларни, БЮДни қабул қилиш ҳуқуқига эга бўлган (кейинги ўринларда божхона органи деб аталади) давлат божхона хизмати органига идоралараро электрон ҳамкорлик йўли билан электрон шаклда тақдим этиш жараёни;

ваколатли органлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг Ягона автоматлаштирилган ахборот тизимига (кейинги ўринларда ЯААТ деб аталади) божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар ҳамда маълумотларни бериш ва кириштириш ёхуд узатиш вазифалари юкланган органлар;

рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар — ваколатли органлар томонидан бериладиган, ЯААТга киритиладиган ёки узатиладиган, божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган, рухсат бериш характерига эга бўлган ҳужжатлар ҳамда рўйхати қонунчиликда белгиланган бошқа ҳужжат ва маълумотлар;

тақдим этиладиган ҳужжатлар — Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси (кейинги ўринларда ДБК деб аталади) томонидан белгиланган шаклда ЯААТга декларацияловчи шахс томонидан киритиладиган рўйхати қонун ҳужжатларида белгиланган ҳужжатлар ва маълумотлар, шунингдек божхона расмийлаштируви учун зарур бўлган бошқа ҳужжатлар;

электрон декларация — ДБК томонидан белгиланган форматда электрон ҳужжат кўринишида тайёрланган БЮД.

декларацияловчи шахс — божхона органларига БЮДни ўз номидан тақдим этаётган декларант ёки БЮДни тўлдириш, имзолаш ва божхона органларига декларант номидан тақдим этишга ваколатли божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс;

рўйхат — декларант томонидан Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг (ЯИДХП) «Декларацияловчи шахслар рўйхати» интерактив хизмати(дан) қўшиш ва чиқариш йўли билан шакллантириладиган декларацияловчи шахслар рўйхати;

товарларни электрон декларациялашнинг автоматлаштирилган ахборот тизими (кейинги ўринларда ТЭДААТ деб аталади) — вазирлик ва идораларнинг тегишли ахборот тизимларининг алоқасини таъминловчи дастурий-техник воситалар комплекси.

2-боб. Товарларни электрон декларациялаш жараёни

3. ЯААТнинг ваколатли органлар ахборот тизимлари билан алоқаси маълумотларни ўтказиш телекоммуникация тармоғи орқали амалга оширилади.

ДБК ва ваколатли органлар доимий равишда ўз ахборот тизимларини узлуксиз ишлаши бўйича керакли ишларни амалга оширади.

4. Электрон декларациялаш жараёни тўрт босқичдан иборат бўлиб, ушбу Низомнинг 1-иловасидаги* Схемага мувофиқ амалга оширилади, жумладан:

биринчи босқичда — ваколатли органлар томонидан мажбурий тартибда ЯААТга идоралараро ҳамкорлик даражасида, мазкур Низомнинг 2-иловасига* мувофиқ рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар, шунингдек, ваколатли органлар рўйхатига асосан рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатлар киритилади;

иккинчи босқичда — декларацияловчи шахс электрон декларация ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатларни тайёрлайди, ўзининг электрон рақамли имзоси (кейинги ўринларда ЭРИ деб аталади) билан тасдиқлайди ва ТЭДААТ орқали божхона органига юборади.

Декларант рўйхатга божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёхуд бошқа шахс тўғрисидаги маълумотларни киритиши ҳамда унинг томонидан божхона органларига электрон декларацияни тақдим этиш ваколат муддатини кўрсатиши керак, бундан хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик муассасалари мустасно.

Агар электрон декларация хорижий давлатларнинг дипломатик ва консуллик ваколатхоналари номидан тақдим этилса божхона расмийлаштируви бўйича мутахассис ёки бошқа шахс тўғрисидаги маълумотлар рўйхатга киритилмайди;

учинчи босқичда — электрон декларация ва тақдим этиладиган ҳужжатлар келиб тушгандан сўнг ЯААТ электрон декларация тўлдирилиши ва тақдим этилган ҳужжатлар тўғри тўлдирилганлиги бўйича дастлабки автоматлаштирилган мантиқий назоратни амалга оширади.

Дастлабки автоматлашган мантиқий назорат натижасида камчиликлар аниқланса, ЯААТ реал вақт режимида бу ҳақда декларацияловчи шахсга аниқланган камчиликлар кўрсатилган хабарнома юборади.

Текширувларнинг ижобий натижасида электрон декларацияга автоматлашган тартибда рўйхат рақами берилиб ЯААТда рўйхатга олинади ва ушбу декларация юридик кучга эга бўлган ҳужжатга айланади.

Электрон декларация автоматлашган тартибда товарларнинг божхона

* 1-2-иловалар «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да эълон қилинган.

расмийлаштирувини амалга оширувчи божхона органи ходимлари ўртасида тақсимланади;

тўртинчи босқичда — божхона органи ходими божхона расмийлаштирувини қонунчиликда белгиланган тартибда амалга оширади.

5. Расмийлаштирув жараёнида номувофикликлар (тафовутлар) ёхуд божхона қонунчилиги бузилиши ҳолатлари аниқланса, божхона органи ходими уч соат ичида декларацияловчи шахсга бартараф этилиши лозим бўлган камчиликлар рўйхатини ўз ичига олган электрон хабарнома жўнатади ёки тақдим этилаётган ҳужжатларни қоғоз манбаларда талаб қилиш ҳуқуқига эга.

Қоғоз манбалардаги ҳужжатларни ўрганиш натижасида божхона органи ходими:

божхона қонунчилиги бузилиши мавжуд бўлмаган ҳолатда — тақдим этилган ҳужжатларни тўлиқ миқдорда тақдим этган шахсга қайтаради;

ҳуқуқбузарлик аниқланганда — қонунчиликда белгиланган чораларни кўради.

Божхона органлари бошқа ваколатли органларда мавжуд зарур ҳужжатлар ва маълумотларни электрон шаклда ахборот алмашинуви йўли билан мустақил равишда олади.

Божхона органлари божхона расмийлаштирувини амалга оширишда қонун ҳужжатларига ва Ўзбекистон Республикаси халқаро шартномаларига риоя этилишини таъминлаш мақсадида хавфларни бошқариш тизимини қўллаши мумкин.

6. БЮДни тўлдириш ҳамда электрон декларацияларни автоматик ҳолда рўйхатга олиш ва тақсимлаш тизими ишлаши тартиби ДБК томонидан белгиланади.

ДБК божхона юк декларациялари ҳамда тақдим этиладиган ҳужжатларнинг электрон шаклини тасдиқлайди ва ўзининг расмий веб-сайтига жойлаштиради.

Тақдим этиладиган ҳужжатларнинг электрон шакли белгиланмаган ҳолатда ушбу ҳужжатларнинг сканер орқали олинган нусхалари тақдим этилади.

3-боб. Электрон декларацияни ҳамда тақдим этиладиган рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатларни тақдим этаётганда ЭРИдан фойдаланиш тартиби.

7. ЭРИни тарқатиш ва унинг ҳисобини юритиш Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Янги технологиялар илмий-ахборот маркази — электрон рақамли имзолар калитларини рўйхатга олиш маркази томонидан ташкил этилади.

8. Электрон ҳужжатларни тақдим этганда, қуйидагилар электрон ҳужжатлар алмашинуви иштирокчилари ҳисобланади:

а) рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатларни ЯААТга киритувчи ва узатувчи ваколатли органлар ходимлари;

б) ТЭДААТга электрон декларация ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳужжатларни тақдим этувчи декларацияловчи шахслар;

в) электрон декларация ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳужжатларни расмийлаштирувчи божхона органи ходимлари.

9. Электрон декларацияни имзолаш ваколатига эга бўлган жисмоний шахс (электрон рақамли имзо калитининг эгаси) электрон декларацияда кўрсатилган маълумотларни ўз электрон рақамли имзоси билан тасдиқловчи шахсдир.

10. ДБКнинг дастурий-аппарат воситалари декларацияловчи шахсларнинг ЭРИсининг ҳақиқийлиги ва уларнинг рўйхатда мавжудлигини текшириш жараёнини, шунингдек, электрон шаклдаги ТЭДААТ ва ЯААТга келиб тушиш сана ва вақтини кўрсатувчи рухсат берувчи ва бошқа ҳужжатларни қабул қилишни таъминлайди.

4-боб. Электрон декларациялаш тизими фойдаланувчиларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

11. Божхона органлари, декларантлар ва божхона брокерлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатларда электрон декларациялар ва электрон шаклда тақдим этиладиган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлайди.

Электрон декларацияни тўлдиришда асос бўлган қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг сақланиши бўйича жавобгарлик қонун ҳужжатларига мувофиқ декларант зиммасига юкланади.

Декларант электрон декларацияни тўлдиришда асос бўлган қоғоз шаклидаги ҳужжатларнинг хавфсиз сақланиши шароитларини таъминлаши ва уларга ўзгартириш киритишдан ҳимоялаши шарт.

Декларант томонидан божхона органларига электрон декларация ўз номидан тақдим этилганда, у қонун ҳужжатларида белгиланган божхона расмийлаштируви бўйича мутахассиснинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига эга бўлади.

12. Электрон декларацияларнинг қоғоз шаклидаги нусхаларини божхона органлари томонидан тасдиқлаш тартиби ДБК томонидан белгиланади.

Электрон декларациялардаги аниқ келишувлар ва уларнинг ташқи иқтисодий фаолият қатнашчиларига боғлиқлиги тўғрисидаги маълумотлар конфиденциал ҳисобланади.

Аниқ ташқи иқтисодий фаолият иштирокчиларининг амалга оширган операциялари тўғрисидаги маълумотларни тақдим этиш тақиқланади, қонунчиликда назарда тутилган ҳолатлар бундан мустасно.

ДБК декларацияловчи шахсларга ТЭДААТ ва ДБК томонидан кўрсатиладиган интерактив хизматлар орқали улар томонидан тақдим этилган электрон декларацияларнинг қоғоз шаклини чоп этиш ҳуқуқи ва имкониятини таъминлайди.

13. Декларацияловчи шахслар, қонун ҳужжатларига мувофиқ, юкларнинг божхона расмийлаштируви вақтида тақдим этилган электрон декларациялардаги маълумотларнинг тўлиқлиги ва тўғрилиги учун жавоб берадилар.

Юқларнинг божхона расмийлаштирувида электрон декларациялаш жараёнидан фойдаланаётган декларантлар қонун ҳужжатларига мувофиқ рўйхатга киритилаётган маълумотлар учун шахсан жавоб берадилар.

14. Рухсат этувчи ва бошқа ҳужжатларнинг электрон шаклини шакллантиришда ваколатли органлар ходимлари тегишли маълумотларнинг ўз вақтида киритилиши ҳамда уларнинг тўғрилиги учун шахсан масъулдилар.

Божхона органлари ходимлари электрон декларацияларнинг ўз вақтида расмийлаштирилиши учун шахсан жавоб берадилар.

15. ЯААТ дастурига уланган божхона ва ваколатли органлар ўз ваколатлари доирасида ташқи савдо операцияларни амалга оширувчи хўжалик субъектлари ва давлатга зарар етказувчи тизимдаги мавжуд маълумотларга ноқонуний кириш, уларни ўзгартириш ёки бошқа ҳаракатлардан ҳимоялаш бўйича зарур бўлган ташкилий ва техник чораларни кўриши шарт.

ЯААТ дастуридаги маълумотларга кириш ҳуқуқи бўлган божхона ва ваколатли органлар ходимлари мазкур маълумотларни ошкор этиш, ўз мақсадлари ёки учинчи шахслар манфаатларида фойдаланиш ҳамда учинчи шахсларга маълумотларнинг белгиланган ҳимоя қоидаларини бузган ҳолда, уларни олиш имкониятини яратиш ҳуқуқига эга эмас.

16. Ушбу Низомнинг бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда жавоб берадилар.

Вазирлар Маҳкамасининг
2018 йил 31 июлдаги 605-сон қарорига
2-ИЛОВА

Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг ўз кучини йўқотган деб эътироф этилаётган айрим қарорлари РЎЙХАТИ

1. Вазирлар Маҳкамасининг «Товарларни божхонада электрон шаклда декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» 2014 йил 31 декабрдаги 376-сон қарори (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2014 й., 12-сон, 137-модда).

2. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида» 2015 йил 27 июндаги 171-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 6-сон, 51-модда) илованинг 75-банди.

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» 2015 йил 20 июлдаги 198-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2015 й., 7-сон, 62-модда) илованинг 4-банди.

4. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзи-

ларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодексини тасдиқлаш тўғрисида» 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ–400-сон ҳамда «Ўзбекистон Республикасининг Божхона кодекси қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида» 2016 йил 20 январдаги ЎРҚ–401-сон қонунлари)» 2016 йил 20 июндаги 211-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2016 й., 6-сон, 59-модда) 1-илованинг 22-банди.

5. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик субъектларига давлат хизматларини кўрсатиш механизмларини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 1 февралдаги ПҚ–2750-сон қарори)» 2017 йил 1 майдаги 252-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2017 й., 18-сон, 325-модда) 1-илованинг 17-банди.

6. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 15 февралдаги ПҚ–2778-сон қарори)» 2017 йил 11 майдаги 270-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 19-сон, 345-модда) 1-илованинг 59-банди.

7. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Давлат ветеринария қўмитаси фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 14 августдаги 624-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 33-сон, 857-модда) 3-илованинг 15-банди.

8. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини такомиллаштириш тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПФ–5024-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси фаолиятини таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 21 апрелдаги ПҚ–2915-сон қарори)» 2017 йил 14 ноябрдаги 915-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚХТ, 2017 й., 46-сон, 1134-модда) 1-илованинг 60-банди.

9. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишнинг миллий тизимини тубдан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 12 декабрдаги ПФ–5278-сон Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 12 де-

кабрдаги ПҚ–3430-сон қарори)» 2018 йил 22 январдаги 40-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 1-сон, 19-модда) илованинг 12-банди.

10. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида («Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–429-сон Қонуни)» 2018 йил 28 майдаги 392-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 124-модда) илованинг 6-банди.

11. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг Давлат хавфсизлиги тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 14 мартдаги ПФ–5379-сон Фармони)» 2018 йил 29 майдаги 396-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси ҚТ, 2018 й., 5-сон, 126-модда) илованинг 77-банди.

12. Вазирлар Маҳкамасининг «Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг айрим қарорларини ўз кучини йўқотган деб ҳисоблаш тўғрисида (Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги лицензиялаш ва рухсат бериш тартиб-таомилларини янада қисқартириш ва соддалаштириш, шунингдек, бизнес юритиш шарт-шароитларини яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2018 йил 11 апрелдаги ПФ–5409-сон Фармони)» 2018 йил 25 июндаги 467-сон қарорига илованинг 6-банди.

БЕШИНЧИ БЎЛИМ**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ****649 Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги
ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-11*

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Валютани тартибга солиш тўғрисида»ги қонунларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви томонидан 1998 йил 5 сентябрда 232-сон билан тасдиқланган Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига (рўйхат рақами 511, 1998 йил 22 октябрь) иловага мувофиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилсин.

2. Ушбу қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июнь,
22/8-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 30 июлда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
30 июндаги 22/8-сон қарорига
ИЛОВА

**Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги
ҳисобварақларни юритиш тартибига киритилаётган
ўзгартириш ва қўшимчалар**

1. 3.1-банд қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«3.1. Чет эл валютасидаги ҳисобварақлар қуйидаги норезидент — юридик шахсларга очилади:

Ўзбекистон Республикасида турган, иммунитет ва дипломатик имтиёзлардан фойдаланадиган хорижий дипломатик ва бошқа расмий ваколатхоналар, халқаро ташкилотлар ва уларнинг филиаллари, шунингдек хўжалик ёки бошқа тижорат фаолиятини амалга оширмайдиган Ўзбекистон Республикасидаги бошқа хорижий ташкилотларнинг ваколатхоналарига;

товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчиларга;

Ўзбекистон Республикасидаги фаолиятини доимий муассаса орқали амалга оширадиганларга.»

2. 5.2-банд қуйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютаси.».

3. 5.4-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

4. Қуйидаги мазмундаги VI бўлим билан тўлдирилсин:

**«VI. Товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон
савдоларида қатнашувчи норезидент — юридик шахсларнинг
чет эл валютасидаги ҳисобварақлари**

6.1. Товар-хом ашё биржаларининг очиқ электрон савдоларида қатнашувчи норезидент — юридик шахсларнинг чет эл валютасидаги маблағлари, Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги тижорат банкларида очилган валюта ҳисобварақларида сақланади.

6.2. Мазкур ҳисобварақларга қуйидаги маблағлар киритилиши мумкин: ички валюта бозорида сотиб олинган чет эл валютаси;

брокерлик хизмат кўрсатиш шартномасига асосан, биржа брокерлари орқали ўтказилган чет эл валютаси.

6.3. Мазкур ҳисобварақлардаги маблағлар ҳисобварақ эгасининг топшириғига кўра, ўзининг Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ёки Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташқаридаги банкларда очилган бошқа ҳисобварақларига ўтказилиши мумкин.

6.4. Тижорат банклари чет эл валютасидаги ҳисобварақлардаги маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги маълумотларни Ўзбекистон Республикасининг Марказий банкига тақдим этади.».

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ БАНДЛИК ВА МЕХНАТ
МУНОСАБАТЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИНИНГ
ҚАРОРИ

650 «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-5

Ўзбекистон Республикасининг 2018 йил 18 апрелдаги ЎРҚ–476-сон «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 13 апрелдаги ПҚ–3666-сон «Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги фаолиятини янада такомиллаштиришга доир ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 15 февралдаги 124-сон «Адлия органлари ва муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳамда Молия вазирлиги **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамда Молия вазирлигининг 2010 йил 22 декабрдаги 19, 201 ва 106-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (рўйхат рақами 2168, 2010 йил 22 декабрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2010 й., 51-сон, 501-модда) иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Адлия вазири

Р. ДАВЛЕТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
7-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 31 июлда эълон қилинган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири****Ш. КУДБИЕВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
18-қ/қ-сон

Молия вазири**Д. КУЧКАРОВ**

Тошкент ш.,
2018 йил 20 июль,
109-сон

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазирлиги ҳамда
Молия вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги
7, 18-қ/қ ва 109-сон қарорига
ИЛОВА

**«Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини
молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш
ҳақида» қарорга киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. Номи ва 1-банддаги «нотариал архивлар» деган сўзлар «идоравий нотариал архивлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2. Иловада:

а) номидаги «нотариал архивлар» деган сўзлар «идоравий нотариал архивлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

б) муқаддимадаги «хузуридаги нотариал архивлар» деган сўзлар «хузуридаги идоравий нотариал архивлар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

в) 10-бандда:

«а» кичик банд қўйидаги мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

«Мазкур Низомнинг 1-банди иккинчи хатбошида кўрсатилган маблағлар Ўзбекистон Республикаси адлия вазири томонидан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги билан келишилган ҳолда бюджетдан ташқари Адлия органлари ва муассасаларини ривожлантириш жамғармасининг даромадлари ва харажатлари ўртасидаги салбий тафовутни қоплашга йўналтирилиши мумкин;»;

«б» кичик банднинг учинчи хатбошиси «архивга ишлов бериш» сўзларидан кейин «, «Нотариус» автоматлаштирилган ахборот тизими»ни юриштиш, техник жиҳатдан сақлаб туриш ва модернизация қилиш,» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

г) 20-банднинг биринчи ва иккинчи хатбошилари қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«20. Нотариал идора ходимларининг лавозим маошларига ҳар ойлик шахсий устамалар ўрнатишга Ўзбекистон Республикаси адлия вазирининг буйруғига асосан пулли хизматлар ва нотариуслар томонидан ҳуқуқий ва техник тусдаги қўшимча ҳаракатларни амалга оширишдан келиб тушадиган маблағларнинг 80 фоизигача миқдордаги қисми ажратилади.

Ажратилган маблағларни нотариус ва унга бириктирилган ходимлар ўртасида тақсимлаш нотариуснинг таклифига асосан амалга оширилади.»;

д) 21¹-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

651 **Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3047*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ–3440-сон «2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. ШАДМАНОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 17 июль,
40-А-сон

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил
17 июлдаги 40-А-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган
туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш
тартиби тўғрисидаги
НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 25 декабрдаги ПҚ-3440-сон «2018 — 2022 йиллар даврида болаларда туғма ва ирсий касалликларни барвақт аниқлаш Давлат дастури тўғрисида»ги қарорига мувофиқ ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини олдини олиш тартибини белгилайди.

1-боб. Умумий қоидалар

1. Мазкур Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

пренатал (туғруққача) скрининг текширувлари — скрининг текширувининг бир тури бўлиб, ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар ва ирсий (хромосом) касалликларни аниқлаш ва ушбу патологиялар билан болалар туғилишини олдини олишга қаратилган текширувлар (ультратовуш ва лаборатор) тўплами;

хавф-хатар гуруҳи — бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари (марказий туман (шаҳар) кўп тармоқли поликлиникалари, шаҳар ва қишлоқ оилавий поликлиникалари, қишлоқ врачлик пунктлари) ҳамда идоравий поликлиникаларда тузиладиган ҳомилада ривожланишнинг туғма нуқсонлари ва ирсий (хромосом) касалликлари билан туғилиши эҳтимоли юқори бўлган ҳомиладор аёллар гуруҳи.

2. Ҳомилада туғма нуқсонлар ва ирсий (хромосом) касалликларни олдини олиш ҳамда барвақт аниқлаш мақсадида пренатал (туғруққача) скрининг текширувлари ўтказилади.

3. Пренатал (туғруққача) скрининг текширувлари ўтказилишини назорат қилиш бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва идоравий поликлиникаларнинг акушер-гинеколог шифокори томонидан амалга оширилади.

**2-боб. Пренатал (туғруққача) скрининг текширувларини
ўтказиш**

4. Пренатал (туғруққача) скрининг текширувлари самарадорлигини ошириш ҳамда ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар ва ирсий (хромосом) касалликлар билан болалар туғилишини олдини олиш мақсадида ҳомиладор аёллар иккита босқичдан иборат бўлган пренатал (туғруққача) скрининг текширувларидан ўтказилади.

5. Биринчи босқич пренатал (туғруққача) скрининг текширувларида барча ҳомиладор аёллар оммавий ультратовуш текширувидан ўтказилади ва текширув натижасида ҳомилада туғма нуқсонлар аниқланган ҳомиладор аёллар хавф-хатар гуруҳига киритилади.

6. Биринчи босқичдаги текширувлар уч маротабали мажбурий оммавий пренатал (туғруққача) ультратовуш текширувларини ўз ичига олади.

Биринчи босқичда ўтказиладиган пренатал (туғруққача) ультратовуш текшируви туман (шаҳар) марказий кўп тармоқли поликлиникаларининг пренатал ташхис хонасида ультратовуш шифокори томонидан амалга оширилади.

Бунда пренатал (туғруққача) ультратовуш текширувлари:

биринчи маротаба ҳомиладорликнинг 10 — 14 ҳафтасида ҳамда мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган туғма нуқсонларни аниқлаш мақсадида ўтказилади;

иккинчи маротаба ҳомиладорликнинг 16 — 20 ҳафтасида, мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган туғма нуқсонларни аниқлаш мақсадида ўтказилади;

учинчи маротаба ҳомиладорликнинг 28 — 32 ҳафтасида, кеч намоён бўладиган мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган туғма нуқсонларини аниқлаш ва ҳомиланинг функционал ҳолатини баҳолаш учун ўтказилади.

7. Биринчи босқич текширувлар давомида ҳомиладор аёлда акушерлик патологияси (ҳомиланинг ривожланмай қолиши ва ўлими) аниқланганда зудлик билан тегишли чора-тадбирларни кўриш мақсадида бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасасига юборилади.

8. Ультратовуш текширувлари ягона ультратовуш текшируви протоколлари асосида амалга оширилади.

9. Хавф-хатар гуруҳига кирган ҳомиладор аёллар «Она ва бола скрининг» марказларида (бундан буён матнда скрининг марказлари деб юритилади) иккинчи босқичдаги пренатал (туғруққача) скрининг текширувлардан ўтказилади.

Бунда пренатал (туғруққача) скрининг текширувлари тегишли бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва идоравий поликлиникалар йўлланмаси ва унга илова қилинган ҳомиладор аёлнинг тиббий картасидан (пренатал (туғруққача) ультратовуш текширувлари натижаларидан) кўчирма асосида ўтказилади.

10. Пренатал (туғруққача) скрининг текширувларида қуйидагилар ўтказилади:

пренатал (туғруққача) ультратовуш скрининг текшируви;

пренатал (туғруққача) биокимёвий скрининг текшируви;

пренатал (туғруққача) биокимёвий скрининг текшируви натижасига мувофиқ ҳомиланинг хромосом синдромлар билан туғилиш хавф даражаси юқори бўлган ҳомиладор аёлларда инвазив текширув (хорионбиопсия, плацентоцентез, кордоцентез) усуллари, кейинчалик ҳомила хужайраларининг генетик таҳлили ва бошқалар.

11. Иккинчи босқичдаги пренатал (туғруққача) скрининг текшируви натижасида ҳомиладор аёлга тиббий-генетик хулоса берилади.

12. Скрининг марказлари томонидан ҳомилада мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган туғма ривожланиш нуқсонлари ва ирсий (хромосом) касалликлар мавжуд бўлганда ҳомиладор аёл тиббий-генетик хулоса билан тегишли бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари ва идоравий поликлиникага юборилади.

13. Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари туман (шаҳар) кўп тармоқли марказий поликлиникаларининг Тиббий-маслаҳат комиссиясига (бундан буён матнда ТМК деб юритилади) скрининг марказлари томонидан берилган ҳомиладор аёлда туғма ривожланиш нуқсонлари ва ирсий (хромосом) касалликлар мавжудлиги тўғрисидаги тиббий-генетик хулосани кўриб чиқиш учун юборади.

14. ТМК томонидан ҳомиладор аёл ва унинг яқин қариндошларига пренатал (туғруққача) скрининг текширувлари натижалари тўғрисида, ҳомилада мавжуд туғма ривожланиш нуқсонлар борлиги, туғилгандан сўнг чақалоқнинг соғлиғи ва ҳаётига таъсири, даволаш усуллари ва улар билан боғлиқ хавф-хатар даражаси, қўллаш мумкин бўлган тиббий муолажалар ва уларнинг оқибатлари ҳамда даволаш натижалари ҳақида тўлиқ ахборот берилади.

15. ТМК скрининг марказларининг ҳомиладор аёлда мазкур Низомнинг иловасида кўрсатилган туғма ривожланиш нуқсонлари ва ирсий (хромосом) касалликлар мавжудлиги тўғрисидаги тиббий-генетик хулосаси асосида ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар билан бола туғилишини олдини олиш бўйича ҳомиладор аёл ва унинг яқин қариндошларининг қарори асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ чора-тадбирларни амалга оширади.

3-боб. Яқуний қоидалар

16. Мазкур Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

17. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги билан келишилган.

**Бандлик ва меҳнат
муносабатлари вазири**

Ш. КУДБИЕВ

2018 йил 17 июль

Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон
бермайдиган туғма нуқсонлар билан болалар туғилишини
олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомга
ИЛОВА

**Ҳомила ривожланишида кўп учрайдиган туғма ривожланиш нуқсонлари ва ирсий (хромосом) касалликлар
РЎЙХАТИ**

Т/р	Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х)	Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар	Жарроҳлик амалиёти ёрдамида коррекция қилиниши мумкин бўлган ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари	Пренатал (туғруққача) даврда ультратовуш билан аниқлаш муддатлари
1.	Q 00	Анэнцефалия ва шунга ўхшаш ривожланиш нуқсонлари		
2.	Q 00.0	Анэнцефалия	–	I-II уч ойлик
3.	Q 00.1	Краниорахишизис	–	I-II уч ойлик
4.	Q 00.2	Инэнцефалия	–	I-II уч ойлик
5.	Q 01	Энцефалоцеле		
6.	Q 01.0	Пешона энцефалоцеле	–	II уч ойлик
7.	Q 01.2	Энса энцефалоцеле	–	II уч ойлик
8.	Q 02	Микроцефалия	–	II-III уч ойлик
9.	Q 03	Туғма гидроцефалия (II-III ойликда барвақт аниқланганда)	Туғма гидроцефалия	II-III уч ойлик
10.	Q 04	Миянинг бошқа туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
11.	Q 04.2	Алобар голопрозэнцефалия	–	II уч ойлик
12.	Q 05	Spina bifida (умуртқа каналининг тўлиқ ёпилмаганлиги)		
13.	Q 05.0	Бўйин соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан	–	II уч ойлик
14.	Q 05.1	Кўкрак соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан	–	II уч ойлик
15.	Q 05.2	Бел соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан	–	II уч ойлик
16.	Q 05.3	Думғаза соҳасидаги Spina bifida гидроцефалия билан	–	II уч ойлик
17.	Q 05.5	–	Бўйин соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз	II уч ойлик
18.	Q 05.6	–	Кўкрак соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз	II уч ойлик
19.	Q 05.7	–	Бел соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз	II уч ойлик

Т/р	Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х)	Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар	Жарроҳлик амалиёти ёрдамида коррекция қилиниши мумкин бўлган ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари	Пренатал (туғруққача) даврда ультратовуш билан аниқлаш муддатлари
20.	Q 05.8	–	Думғаза соҳасидаги Spina bifida гидроцефалиясиз	II уч ойлик
21.	Q 06	Орқа миyaning бошқа туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
22.	Q 06.2	–	Диастематомелия	II-III уч ойлик
23.	Q 07	Нерв тизимининг бошқа туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
24.	Q 07.0	Арнольд-Киар синдроми	–	II уч ойлик
25.	Q 18.9	Юз ва бўйиннинг аниқланмаган ривожланиш нуқсонлари	–	II-III уч ойлик
26.	Q 20	Қон айланиш тизими аъзоларининг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
27.	Q 20.0	–	Умумий артериал устуни	II-III уч ойлик
28.	Q 20.3	–	Катта томирлар жойлашувининг бузилиши (Транспозиция)	II-III уч ойлик
29.	Q 20.4	Ягона қоринчали юрак	–	II-III уч ойлик
30.	Q 21	Юрак тўсиғининг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
31.	Q 21.0	–	Қоринчалараро тўсиқнинг дефекти	III уч ойлик
32.	Q 21.2	Бўлмача-қоринча оралиқ тўсиқ нуқсони — умумий атриовентрикуляр канали	–	II-III уч ойлик
33.	Q 21.3	–	Фалло тетрадаси	II-III уч ойлик
34.	Q 22	Ўпка ва уч тавақали клапаннинг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
35.	Q 22.5	Эбштейн аномалияси	–	II-III уч ойлик
36.	Q 22.6	–	Юракнинг ўнг томонлама гипоплазияси синдроми	II-III уч ойлик
37.	Q 23.4	–	Юракнинг чап томонлама гипоплазияси синдроми	II-III уч ойлик
38.	Q 28	Қон айланиш тизимининг бошқа туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
39.	Q 28.2	Церебрал томирларнинг артериовеноз ривожланиш нуқсонлари (Гален аневризмаси)	–	III уч ойлик
40.	Q 33	Ўпканинг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
41.	Q 33.0	–	Ўпканинг туғма кистаси	II уч ойлик
42.	Q 33.3	Иккала ўпканинг агенезияси	–	II уч ойлик

Т/р	Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х)	Ҳомиланинг соғлиги ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар	Жарроҳлик амалиёти ёрдамида коррекция қилиниши мумкин бўлган ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари	Пренатал (туғруққача) даврда ультратовуш билан аниқлаш муддатлари	
43.	Q 33.8	–	Ўпканинг бошқа туғма аномалиялари — ўпканинг кистоз-аденоматоз ривожланиш нуқсони	II-III уч ойлик	
44.	Q 34	Нафас аъзоларининг бошқа туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)			
45.	Q 34.8	–	Нафас аъзоларининг бошқа аниқлаштирилган туғма аномалиялари — гидроторакс	II-III уч ойлик	
46.	Q 35	Танглай ёриғи (бўри танглай)			Юқори лаб ёриғисиз, алоҳида аниқланмайди
47.	Q 36	Лаб ёриғи (қуён лаб)			–
48.	Q 36.0	–	Лабнинг икки томонлама ёриғи	II уч ойлик	
49.	Q 36.1	–	Лабнинг ўртасидан ёриғи	II уч ойлик	
50.	Q 36.9	–	Лабнинг бир томонлама ёриғи	II уч ойлик	
51.	Q 37	Танглай ва лаб ёриғи (бўри танглай ва қуён лаб бирга келиши)			–
52.	Q 37.0	–	Танглай ва лабнинг икки томонлама ёриғи	II уч ойлик	
53.	Q 37.1	–	Танглай ва лабнинг бир томонлама ёриғи	II уч ойлик	
54.	Q 39	Қизилўнгачнинг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)			
55.	Q 39.0	–	Қизилўнгачнинг оқмасиз атрезияси	II уч ойлик	
56.	Q 39.1	–	Қизилўнгачнинг трахея-қизилўнгач оқмали атрезияси	Пренатал даврда аниқланмайди	
57.	Q 41	Ингичка ичакнинг туғма мавжуд эмаслиги, унинг атрезияси ва стеноз			
58.	Q 41.0	–	Ўн икки бармоқли ичакнинг туғма мавжуд эмаслиги, атрезияси ва стенози	II уч ойлик	
59.	Q 41.8	–	Ингичка ичакнинг бошқа аниқлаштирилган қисмларининг туғма мавжуд эмаслиги, атрезияси ва стенози	III уч ойлик	

Т/р	Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х)	Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар	Жарроҳлик амалиёти ёрдамида коррекция қилиниши мумкин бўлган ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари	Пренатал (туғруқча) даврда ультратовуш билан аниқлаш муддатлари
60.	Q 42	Йўғон ичакнинг туғма мавжуд эмаслиги, атрезияси ва стенози		
61.	Q 42.8	–	Йўғон ичакнинг бошқа қисмларининг туғма мавжуд эмаслиги, атрезияси ва стенози	III уч ойлик
62.	Q 60	Буйракнинг агенезияси ва бошқа редукцион дефектлари		
63.	Q 60.1	Буйракларнинг икки томонлама агенезияси	–	II уч ойлик
64.	Q 61	Буйракларнинг кистоз касаллиги		
65.	Q 61.0	–	Буйракнинг якка туғма кистаси	II-III уч ойлик
66.	Q 61.1	Инфантил турдаги буйрак поликистози	–	II уч ойлик
67.	Q 61.4	Буйрак дисплазияси — иккала буйрак мультикистози	Буйрак дисплазияси — якка буйрак мультикистози	II уч ойлик
68.	Q 62	Буйрак жомлари ўтказувчанлигининг туғма бузилишлари ва сийдик найларининг туғма аномалияси		
69.	Q 62.0	–	Туғма гидронефроз	II-III уч ойлик
70.	Q 64.1	–	Сийдик пуфаги экстрофияси	II-III уч ойлик
71.	Q 64.9	Сийдик ажратув тизими аъзоларининг аниқлаштирилмаган туғма аномалияси — мегацисцис	–	I-II уч ойлик
72.	Q 66	Суяк-мускул тизимининг туғма аномалияси (ривожланиш нуқсонлари) ва деформациялари		
73.	Q 66.0	–	От туёқли-варус маймоқлик	II уч ойлик
74.	Q 66.1	–	Товон-варус маймоқлик	II уч ойлик
75.	Q 71	Қўллар калталигига олиб келувчи нуқсонлар		
76.	Q 71.0	–	Қўл (қўллар)нинг туғма тўлиқ йўқлиги	II уч ойлик
77.	Q 71.1	–	Қўл панжаларининг мавжудлигида елка ва билак суякларининг туғма йўқлиги	II уч ойлик
78.	Q 71.2	–	Қўл панжалари ва билак суякларининг туғма йўқлиги	II уч ойлик
79.	Q 71.3	–	Қўл панжа ва бармоқларнинг туғма йўқлиги	II уч ойлик
80.	Q 71.6	–	Қисқичсимон қўл панжа	II уч ойлик

T/p	Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х)	Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар	Жарроҳлик амалиёти ёрдамида коррекция қилиниши мумкин бўлган ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари	Пренатал (туғруққача) даврда ультратовуш билан аниқлаш муддатлари
81.	Q 72	Оёқлар калталигига олиб келувчи нуқсонлар		
82.	Q 72.0	–	Оёқ (оёқлар)нинг туғма тўлиқ йўқлиги	II уч ойлик
83.	Q 72.1	–	Товон мавжудлигида сон ва болдир суякларининг туғма йўқлиги	II уч ойлик
84.	Q 72.2	–	Болдир ва товоннинг туғма йўқлиги	II уч ойлик
85.	Q 72.3	–	Товон ва панжаларнинг туғма йўқлиги	II уч ойлик
86.	Q 72.7	–	Товоннинг туғма ёрилиши	II уч ойлик
87.	Q 73.0	Қўлнинг (қўллар) ва оёқнинг (оёқлар) аниқлаштирилмаган туғма йўқлиги	–	I-II уч ойлик
88.	Q 73.1	Фокомиелия	–	I-II уч ойлик
89.	Q 73.8	Қўллар ва оёқларнинг аниқлаштирилмаган калталигига олиб келувчи бошқа нуқсонлар	–	II уч ойлик
90.	Q 74.3	Туғма кўп сонли артрогрипоз	–	II-III уч ойлик
91.	Q 74.8	Қўл-оёқларнинг бошқа аниқлаштирилган туғма аномалиялари-сиреномиелия	–	II уч ойлик
92.	Q 75.9	Калла ва юз суякларининг аниқлаштирилмаган туғма аномалиялари	–	II-III уч ойлик
93.	Q 76	Умurtқа погонаси ва кўкрак қафаси суякларининг туғма аномалияси (ривожланиш нуқсонлари)		
94.	Q 76.0	–	Spina bifida occulta	Пренатал (туғруққача) даврда аниқланмаслиги мумкин
95.	Q 77	Найсимон суяклар ва умurtқа погонасининг ўсиш дефекти билан кечувчи остеохондродисплазияси		
96.	Q 77.0	Ахондрогенезия	–	II-III уч ойлик
97.	Q 77.4	–	Ахондроплазия*	II-III уч ойлик
98.	Q 79	Бошқа руқнларда таснифланмаган, суяк-муқкул тизимининг туғма аномалиялари (ривожланиш нуқсонлари)		
99.	Q 79.0	–	Туғма диафрагмал чурраси	II уч ойлик
100.	Q 79.2	–	Экзомфалоз	I-II уч ойлик
101.	Q 79.3	–	Гастрошиз	I-II уч ойлик
102.	Q 79.4	Олхўрисимон қорин синдроми	–	II уч ойлик

Т/р	Халқаро касалликларнинг таснифи (ХКТ-Х)	Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар	Жарроҳлик амалиёти ёрдамида коррекция қилиниши мумкин бўлган ҳомиланинг ривожланиш нуқсонлари	Пренатал (туғруққача) даврда ультратовуш билан аниқлаш муддатлари
103.	Q 87.0	Кўпроқ юзнинг ташқи кўринишига таъсир қилувчи туғма аномалиялар синдромлари-циклопия	–	I-II уч ойлик
104.	Q 89	Бошқа руқларда таснифланмаган, бошқа туғма аномалиялар, кўп сонли туғма ривожланиш нуқсонлари		
105.	Q 89.4	Ёпишган эгизаклар	–	II уч ойлик
106.	Q 90	–	Даун синдроми*	Ультратовуш маркерлари билан қоннинг биокимёвий ўзгаришлари мавжуд бўлганда пренатал инвазив муолажа ва кариотип текшируви ўтказилади
107.	Q 91	Бошқа туғма ривожланиш нуқсонлари билан бирга келган Эдвардс синдроми ва Патау синдроми	–	
108.	P 83.9	Ҳомила ва чақалоқ учун хос бўлган ташқи қопламларнинг аниқлаштирилмаган ўзгариши — ноиммун ҳомила шиши	–	–

Изоҳ:

* Ҳомиладор аёлга ва унинг яқин қариндошларига ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуқсонлар тоифасига киритиш таклиф этилади.

1. Юракнинг пренатал (туғруққача) даврда аниқланмайдиган туғма нуқсонлари:

- а) аорта ва ўпка артериясини боғловчи артериал томирнинг очиқ қолиши;
- б) бўлмачалараро тўсиқнинг нуқсони (иккиламчи);
- в) қоринчалараро тўсиқ нуқсонининг кичик ўлчамлари;
- г) юрак бўлмачалари оралигидаги овал тешикнинг очиқ қолиши;
- д) клапанларнинг аниқ намоён бўлмаган аномалияси;
- е) ўпка веналари қайтишининг қисман аномаллиги.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
МАРКАЗИЙ БАНКИ БОШҚАРУВИНИНГ
ҚАРОРИ

652 Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида*

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-13

Ўзбекистон Республикасининг «Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида»ги ва «Банклар ва банк фаолияти тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 9 январдаги ПФ-5296-сон «Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқаруви **қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2009 йил 15 августдаги 23/3-сон қарори (рўйхат рақами 2014, 2009 йил 8 октябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2009 й., 41-сон, 447-модда) билан тасдиқланган Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар ва қўшимча киритилсин.

2. Мазкур қарор расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Марказий банк раиси

М. НУРМУРАТОВ

Тошкент ш.,
2018 йил 30 июнь,
22/5-сон

* Ушбу қарор «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 1 августда эълон қилинган.

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил
30 июндаги 22/5-сон қарорига
ИЛОВА

**Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини
лицензиялаш тартиби тўғрисида низомга киритилаётган
ўзгартиришлар ва қўшимча**

1. 1-бандда:

қуйидаги мазмундаги учинчи хатбоши билан тўлдирилсин:

«**рақамли банк** — инновацион банк технологияларидан фойдаланган ҳолда (касса хизматини кўрсатмасдан) банк хизматларини масофавий кўрсатувчи банк ёки унинг таркибий бўлинмаси. Рақамли банклар томонидан банк хизматларини масофавий кўрсатиш банкнинг ички тартиб қоидаларига асосан қонун ҳужжатлари талабларини инобатга олган ҳолда амалга оширилади;»;

учинчи — саккизинчи хатбошилар тегишлича тўртинчи — тўққизинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

бешинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

еттинчи хатбошининг учинчи жумласи чиқариб ташлансин.

2. 19-банднинг еттинчи хатбошисидаги «соф фойда ва дивидендларни» деган сўзлар «соф фойдани» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

3. 28-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«28. Банкнинг раҳбар ходимларига қуйидагилар киради:

банк кенгашининг раиси ва аъзолари;

бошқарув раиси ва унинг ўринбосарлари;

бошқарув аъзолари;

бош банкнинг бош бухгалтери;

банк филиалларининг раҳбарлари ҳамда уларнинг бош бухгалтерлари.

Ушбу бандда келтирилган шахсларга нисбатан (банк кенгаши раиси ва аъзоларидан ташқари) Тижорат банклари ва уларнинг филиаллари раҳбарлари, бош бухгалтерлари, бошқарув аъзолари, микрокредит ташкилотлари ҳамда кредит бюроларининг ижро органлари раҳбарларига нисбатан малака талабларига (рўйхат рақами 2989, 2018 йил 30 март) мувофиқ малака талаблари белгиланади.».

4. 29-банд ўз кучини йўқотган деб топилсин.

5. 40-банддаги «ва банкнинг» деган сўзлар «, банк ва рақамли банкларнинг» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

6. 66 ва 75-бандлардаги «Лицензиялаш департаменти» деган сўзлар «Марказий банк» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

7. 67-банд қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«67. Такдим этилган ҳужжатлар тўплами тўлиқ жамланса ва мазкур Низом талабларига мувофиқ келса, Банк назорати қўмитасига банкни очиш

учун дастлабки рухсатни бериш тўғрисидаги масала киритилади, акс ҳолда ҳужжатлар тўплами қайтариш сабаби ва қанча муддат ичида ҳужжатларни такроран тақдим этиш мумкинлиги кўрсатилган дастлабки рухсатни беришни рад этиш ҳақидаги хабарнома ёзма шаклда, шу жумладан ахборот тизими орқали электрон шаклда қайтарилади.».

8. 74-банднинг «д» кичик банди ўз кучини йўқотган деб топилсин.

9. 77¹-банднинг иккинчи хатбошидаги «ўн беш» деган сўзлар «ўн» деган сўз билан алмаштирилсин.

10. 107-банддан олтинчи хатбоши чиқариб ташлансин.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИНИНГ
БУЙРУҒИ

653 **Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида***

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2018 йил
31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2529-2*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПФ-4956-сон «Маданият ва спорт соҳасида бошқарув тизимини янада тақомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 февралдаги ПК-2778-сон «Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорига ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига мувофиқ **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитасининг 2013 йил 21 октябрдаги 58-мх-сон қарори (рўйхат рақами 2529, 2013 йил 22 ноябрь) (Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2013 й., 47-сон, 624-модда) билан тасдиқ-

* Ушбу буйруқ «Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базаси»да 2018 йил 2 августда эълон қилинган.

ланган Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари тўғрисидаги низомга иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

2. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Вазир

А. АХМЕДХАДЖАЕВ

Тошкент ш.,
2018 йил 12 июль,
176-мх-сон

Ўзбекистон Республикаси
Ахборот технологиялари ва коммуникацияла-
рини ривожлантириш вазирининг 2018 йил
12 июлдаги 176-мх-сон буйруғига
ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси почта тўловининг давлат
белгилари тўғрисидаги низомга киритилаётган
ўзгартиришлар**

1. Мукаддимадаги «2015 йил 10 апрелдаги 87-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар «2018 йил 1 майдаги 318-сон «Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги ҳузуридаги Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари соҳасида назорат бўйича инспекция тўғрисидаги низомларни тасдиқлаш ҳақида» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2. 15-банднинг бешинчи хатбошисидаги «ва спорт ишлари вазирлиги» деган сўзлар «вазирлиги» деган сўз билан алмаштирилсин.

3. Ушбу ўзгартиришлар Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги, Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлиги билан келишилган.

Маданият вазири

Б. САЙФУЛЛАЕВ

2018 йил 11 июль

*Хусусийлаштирилган корхоналарга
кўмаклашиш ва рақобатни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси*

Р. ГУЛЯМОВ

2018 йил 11 июль

*Интеллектуал мулк агентлиги
Бош директори*

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ

2018 йил 11 июль

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлиги вазирликлар, давлат қўмиталари ва
идораларнинг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини
давлат рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида
2018 йил 28 июлдан 3 августгача
бўлган маълумотни маълум қилади

1. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/7-сон «Ваколатли банклар томонидан норезидентларнинг Ўзбекистон Республикаси миллий валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 510-4.

2. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/8-сон «Тижорат банклари томонидан чет эл валютасидаги ҳисобварақларни юритиш тартибига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 28 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 511-11.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги, Молия вазирлигининг 2018 йил 20 июлдаги 7, 18-қ/қ, 109-сон «Давлат нотариал идоралари ва нотариал архивлар фаолиятини молиялаштириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш тўғрисида»ги қарори.

2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2168-5.

4. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2018 йил 17 июлдаги 40-А-сон «Ҳомиланинг соғлиғи ва яшаб кетишига имкон бермайдиган туғма нуксонлар билан болалар туғилишини олдини олиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи.

2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 3047.

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2018 йил 30 июндаги 22/5-сон «Банкларни рўйхатга олиш ва улар фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида»ги қарори.

2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2014-13.

6. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг 2018 йил 12 июлдаги 176-мх-сон «Ўзбе-

кистон Республикаси почта тўловининг давлат белгилари тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар киритиш тўғрисида»ги буйруғи.

2018 йил 31 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2529-2.